



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
21-fevral
chorshanba
№ 8 (1383)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

БУГУННИНГ ГАПИ

Яқиндагина, 9 февраль куни эрталаб ишга ўтиб борарканман, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг асосий биносига киришдаги кенг ярим-доирасимон зиналар олдида бошқача тайёргарлик кўриб кўйилганига кўзим тушди: замонавий техник асҳолар, қатор кучли ёриткичлар ўрнатилган мослама, зина билан бино оралиғидаги майдон саҳна кўринишини олганди. Тўрт йилдан буён шу жойдан деярли ҳар куни ўтаман, лекин бунақа тайёргарликни биринчи марта кўришим эди. Эрта тонгдан буён дилми тарк этмаётган “Бугун шеърият байрами” деган фикримни айни манзара ҳам қўллаб-қувватлагандай бўлди. “Қачон бошланаркин? Анча-мунча таррадув кўрилибди. Бунақа чироқлар ўрнатилишига қараганда, кечки пайтга режалаштирилганмикин?.. хуллас, шеърият мулк султони Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан бу ерда ҳар доимгидан бошқача тадбир ўтказиладиганга ўхшайди...” – шундай хаёлу ҳаяжонда эдим.

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ БЎЛСИН!



Иш хонамининг ойнаси мана шу майдон тарафда экани ҳам айни мундоқ бўлди. У ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам деразани очиб ташқарига қарайман, майдон ўртасида салобат билан турган Навоий ҳазратлари ҳайкалига кўзим тушади. Куннинг ўрталарида ҳайкал олдида одамлар, асосан ёшлар йиғилиши, тушунишимча, гул қўйиш маросими бошланаяпти. Уларнинг сафида бўлгим келди, шовилиб кийиниб, ташқарига чиқдим. Лекин мен бинони айланиб катта қўчани кесиб ўтиб борганимча, тадбир тугаган экан: ҳайкал пойида гуллар, у ер-бу ерда уч-тўрт-

тадан ёшлар йиғилиб гурунглашиб туришибди. Доим такрорлаб юрадиган Навоий сатрларини дилдан ўтказиб, ишхонага қайтдим.

Назаримда, энди университет кираверишида ҳозирлаб кўйилган замонавий саҳна олдида одамлар тўпланиб, тадбир бошланадигандек эди. Кун асрдан ўтганда ўша томондан узук-юлуқ хорижий мусиқалар эшитила бошлади. “Ҳа, техникани сошлаб, овозларнинг баланд-пастлигини текширишяпти, шекилли”, – деб ўйладим. Йў-ўқ... адашдимми?.. Сап фурсат ўтмай, асосан ёшлар ёки хори-

жий сайёҳлар учун уюштирилаётган ўйин-кулги кечаларида кўйилладиган, миллий мусиқаларимизу миллий чолғу асбобларимизга бегона куйлар, қўшиқлар жаранглай бошлади. Ҳарчанд тушунишга уринсам-да, ҳеч идроким етмасди: “Бугун – 9 февраль, Алишер Навоий таваллуд топан кун. Шу муносабат билан, айниқса бугун, юртимизнинг барча ҳудудларида шоирни, унинг ўзбеки дунёда шарафлаб яшаётган асарларини эслаб руҳини шод этиш, эҳтиром кўрсатиш, ўрганиш ва ибратланиш кун.

3-6

УЛУФ СИЙМОЛАР



Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири Заҳриддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

БОБУР — ДИЛБАР ШАХС

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2023 йил 25 январь куни қабул қилган “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори маданий ҳаётимизда катта воқелик бўлди. Ушбу муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, жонаҳон Ватанимиз миллий ривожланишининг янги босқичига — учинчи Ренессанс даврига қадам қўётган, ҳаётимизнинг барча жабҳасида туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги пайтда Бобур мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унинг асарларини ўрганиш, таржима қилиш ва нашр этиш биз учун бурч, шараф ҳамда бахтдир. Зеро, мумтоз шоир Бобур мирзо шеърлари, бебаҳо “Бобурнома” асари кишини уйғоқликка чорлайди, унга қанот беради, руҳлантиради, қалбининг тубига назар ташлашга, яхши-ёмонни фарқлашга, энг муҳими, Худо берган умрни беҳуда сарфламасликка, қадрлашга, демак, ўзгаларни севишга, асрашга ўргатади.

Шу боис ҳам Италиянинг Венеция шаҳридаги Ка-Фоскари университети профессори, турколог олим Элизабет Рагагиннинг буюк шоҳ ва саркарда бобомиз Бобур мирзо бетакрор меросини ўрганишнинг аҳамияти, Бобуршунослик борасида олиб бораётган ишлари натижалари ҳақида фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

2-6

АЙТГАНЧА

Сиз қачон театрга боргансиз?



Театр – ойна, муқаддас даргоҳ. Унинг тарбияга йўғрилган сабоқлари эса кишиларни одамийликка чорлайди. Аммо замон зайли деймизми ёки кино санатининг ўзига хос қулайлигини, театр атамаси озгина эскиргандек туйилиши мумкин. Авваллари фақатгина зодагонлар кира олиши мумкин бўлган театр зали ҳозирги пайтда текинга спектакль кўйилса ҳам кўпинча тўлмай қолади. Бу эса одамни анчайин уйга толдиради...

Дунёда театрнинг ўзига хос яратилиш тарихи мавжуд. Илк театр ўтмишига назар соладиган бўлсак, Юнонистон ва Ҳиндистонда “Маҳобҳарат” ва “Рамаёна” дoston-лари билан боғлиқ ҳолда ривожлан-

ган. Кейинчалик эса Яқин Шарқ ва Римга ёйилган. Театрдан кўзланган мақсад илк асрларда ҳам инсон қалбида қандайдир илқ туйғу уйғотиш, фикрлаш ва хулосага чорлашдан иборат бўлган.

Шарқ мамлакатларида театр пайдо бўлган вақт ҳадидлар даври, яъни XIX-XX аср деб ўйлайди кўпчилик. Аммо баъзи манбаларда келтирилишича, театр Шарқда Темирийлар даврида ҳам гуллаб яшнаган. Театр даврида пайтахт дея эътироф этилган нуфузли шаҳарларда театрлашган томошалар уюштирилган.

Тўғри, жаҳидлар даврида театр қайсидир маънода ўз чўкки-сига чиққан.

8-6

АДАБИЙ ДЎСТИК — АБАДИЙ ДЎСТИК

ОНА ЮРТИМ ШАМОЛЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг шеърлар тўплами қорақалпоқ тилида нашр этилди



Қорақалпоқ адабиёти қадим туркий тилли адабнинг теран томирларидан саналади. Бу томирлар Амударё ва Сирдарёдан сув ичган, ўз замонида Оролдек тўлиб тошган, бугунги кунда тобора гуркираб ривожланиб бормоқда, мўл-кўл самаралар бермоқда.

Сирожиiddин Саййид қорақалпоқ халқ оғзаки ижодини, қорақалпоқ мумтоз ва замонавий адабиётини кўп ўқийди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуловнинг шеърларини ёд

блади. Айниқса, “Эсар Жайхун шамоллари” шеърини ҳар қадамда такрорлаб юради. *Қайда юрсам соғинтираб Она юртим томонлари. Хаёлимда сахар-сахар, Эсар Жайхун шамоллари...*

Ўзбекистон — шонли дийёр, Булбуллар ишқинда ёнар. Ҳамма фаслинда навабахор, Эсар Жайхун шамоллари...

Яна таниқли қорақалпоқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Генжамурод билан ёшлик вақтида Дўрмон семинарида бира қатнашганини, ўшанда устоз Эркин Воҳидов маҳорат сабоқларини берган шеърят шўбасида бадий сўз сирларини ўрганганини ўзгача завқ сурур билан сўзлайдики, ушбу мароқли ҳикояларни тинглаган одамнинг ҳаваси келади.

8-6

ФИКР

БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ-КУ!

XXI аср — ахборот технологиялари асри. Ҳўш, замонавийлик деганда, ҳақиқатан ҳам телевизор, телефон, компьютер, интернет олами ва турли электрон ўйинларига муккасидан кетиш тушуниладими? Боласи йилганд вақтда унга егулик ва меҳр бериб, тарихимиз, қадрият, урф-одатларимиз ҳақида эрталар айтиб бериш ўрнига, уни “овутиш” мақсадида телефон бериб қўйган “ОНА”лар замонавий инсонлар ҳисобланишадими? Биз бугун кимларни тарбия қилишни хоҳлаймиз? Келажақ авлодни ватанпарвар, ўз тарихи билан фахрланадиган, миллий қадриятларини ҳимоя қиладиган кишилар бўлиб етишувини хоҳлаямиз-у, лекин уларга бизнинг урф-одат, қадриятларимиз нималарда акс этишини ўргатишга келганда эса... “ортиқча вақтимиз йўқ”.

Уэр, лекин баъзи инсонларнинг шу ҳолатини денгиз тошбақаларига ўхшатаман. Денгиз тошбақалари бир оролга чиқиб туҳумларини қўйишаркан ва ушбу киргоққа қайтишмас экан. Митти тошбақачалар кўзларини очиши биланоқ ҳаёт синовларига дуч келишади, денгизга етиб боришлари керак. Телевизорда кўргандим. Ажойиботлар олами ҳақидаги кўрсатувдан. Туҳумдан чиққан жажжи тошбақаларнинг кўли денгизга — халоскор ҳаётга етиб боришолмайдилар. Чунки денгиз киргоғидан уммонгача анча масофа бор. Етиб борунларича уларни ов қиладиган қушлар бор... Шу боисдан ҳам уларнинг кўпчилиги бу дунёни жуда эрта тарк этишади. Биз ҳам том маънода ёшларнинг дунёдан ажралиб қолишига, маънавий жиҳатдан ҳалок бўлишига билиб-билмай эътиборсиз, лоқайд яшаётганга ўхшаймиз.

Болалик. Эрта тонгдан оналаримиз пиширган туҳум, сутли куймоқ каби нонушанинг ёқимли исидан уйғониб, апил-тапил овқатланиб кўчага қараб югуриш. Чиллак, ҳаппак, солай-солай, варрак учирш, мерганлик ўйинларидан тортиб қувлашма-чок, арғимчок учуш, ўртага туш ва коптокли ўйинлардан сўнг, кеч тушгач, беркинмачок ўйинларини ўйнаб бўлишгандагина оналарининг кистовлари-ю оталарининг дашнолари билан уйга кириш. Бир кунда барча ўйинларни ўйнаб улгурганларини

ота-оналарига мақтаниш. Болалик, беғуборлик табиатнинг болалар учун ҳади этган ажиб туҳфасидир. Уни замонавийлик ниқоби остига беркитиб йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайлик, азиз ота-оналар, катталар, дея ҳайқиргим келади.



Ҳа, халқимизда “бола бўлса, шўх бўлсин!”, “болалигим — пошологим” деган нақиллар, гаплар бор. Лекин болалик фақат уйинқароқликдан иборат эмас. Айтишларича, одам боласи 7 ёшгача ўргангани бутун умри давомида асосий пойдевор вазифасини ўтар экан. Демак, фарзанд тарбияси, болага бўлган муносабат, эътибор жуда муҳим.

Бироқ... боланинг кўлига у 6 ойлик бўлганидан телефон тутқазиб қўйиш, унинг хархашасидан қутулиш учун бола айтган нарсани сотиб олиб бериш билан муаммо ҳал бўлмас. Аксинча, ўйин ҳам, эркалатиш ҳам, қаттиққўллик ҳам ўз меъёрида бўлсин экан.

Яшириб нима қиламиз, бугун аксарият ёшлар сира-сира кўлига китоб ушламай қўйди. Газета-журнал мутолаасини-ку, гапирмай қўя қолайлик. Чунки на ота-она, на мактабда ўқитувчи: “Сен қайси газета-журналга обуна бўласан, нимани ўқишни хоҳлайсан?” деб сўрамайди. Бахона бўлса бор: “Мажбурий обуна!”

Таассуф. Минг афсус! Болаларни маънавиятга, яхшиликка, саводли бўлишга қайтариш эса шарт. Кеч бўлди. Аммо бошқа йўл йўқ-ку!

Алиба ШАРИФОВА,

Гулистон давлат педагогика институти талабаси.

БОБУР — ДИЛБАР ШАХС

1-6

"Мен Мирзо Бобур шахсига нафақат улкан салтанат тузган моҳир саркарда, адолатпарвар шох, балки буюк шоир, етук қомусий олим, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, географ, таржимон, фиксшунос сифатида юксак ҳурмат билан қарайман. Шоирнинг салмоқли ижодий мероси — "Бобурнома", "Мубайин ал-закот", "Мухтасар", шунингдек, гарчи ҳанузгача топилмаган эса-да "Ҳарб иши", "Музыка илми" асарларини ёзгани, икки девон тузгани, Хўжа Аҳрорнинг "Волидия" асарини таржима қилгани, "Хатти Бобурий" деб номланган янги алифбо тузгани — бутун умри тинимсиз урушлар, ҳаёлатсизлик, саргардонлик, хиёнатлар ичра кечганини ҳисобга олсак, бу инсоннинг нақадар тугма истеъдод соҳиби бўлганини, қомусий билимларни эгаллаганини аниқлади" ("Халқ сўзи", 2023 йил 2 февраль).

Бирок... 1526-1527 йиллар воқеаларидан маълумки, қабиҳ душманлар буюк саркарда Бобур мирзо таомига заҳар солишди, ҳамма ташвишга тушиб, бесаранжомликлардан юрда ҳаловат йўқлади. Унга Оллоҳ шифо бериб соғайганидан сўнг, теран мулоҳазалар юритиб, инсон учун жоннинг, демак, ҳаётнинг бунчалар азиз эканини кашф этиб, умрининг бебаҳолигини аниқлади, Тангри таолонинг иноят кўрғизиб, унга "янги бошдин жон бағишлагани"дан беадад миннатдор бўлади ва "шукрини не тил била қилгаймен", дейди ва ёзади: "Хотирларга тараддул кечмагай деб, ҳар не воқие бўлгонни шарҳи ва баста била битдим..."

Албатта, буюк шох ва саркарда Бобур мирзо ҳақида Жа-воҳарлар Неру — Ҳиндистоннинг буюк фарзанди, давлат ва жамоат арбобининг фикрлари ниҳоятда юксак эътироф ва эътибор эканлигини қайд қилиш керак: "Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорнинг ҳақиқий намунаси... Унинг Ҳиндистонга келиши тўғрисида Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янги тараққиёт юз берди".

Тарих саҳифаларида узоқ муддат ҳукм сурган сулолардан Бобурийлар сулоласи (332 йил) қайд этилади. Бу сулола асосчиси Заҳриддин Муҳаммад Бобур замона заили билан Ҳиндистонда кўнмин топди. Ул зот ўз замонасининг етук қомусий олими сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади. Шох Бобур мирзонинг давлатчилик фаолиятида давлат сиёсати ва шариятга асосланган мукамал солиқ тизими ишлаб чиқилганини кўраемиз. Чунончи, юридик фанлар номзоди Холмурод Исановнинг таъкидига кўра, ўша даврда Ҳиндистонда амал қилган солиқ тизимини ўзгаришлар. Жумладан, "муқассама" — еттишатирилган ҳосилнинг бир қисми натура шаклида тўланадиган, "муваззаф" — кадастрда қайд қилинган ердан олинадиган солиқ, шунингдек, закот молларини тўртта бўлган ҳолда "нақдина" — пул солиғи, "савоийм" — ҳайвонлардан тўланадиган солиқ, ер солиғи, "тижорат" — савдогарлик асосида тушадиган даромаддан олинадиган солиқларни жорий этган.

Савдодан олинадиган "тамағ" солиғини бекор қилган. Бобур мирзо бутун умри давомида адолатли, марказлашган давлат тарафдори сифатида давлатни одил, адолатпарвар подшоҳ ёки шох бошқариши керак ва у ҳамма меҳнаткаш

халқ ҳақида ўйлаши ва ғамхўрлик қилиши зарур, деб ҳисоблаган.

Жаҳон тарихий ҳарбий мулкига айланган "Бобурнома" асарини 1826 йилда инглиз тилига ўтирган таржимонлар Жон Лейден ва Уильям Эрскинларнинг эътирофларига эътибор қилинган: "Бобур тахтда ўтирганига қарамай, оддий турмушнинг энг яхши туйғуларни ва иштиёқини ўзида сақлаб қолган. Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичидан Бобур сингари буюк ва истеъдодли кишиларни камдан-кам учратамиз... Унинг ўткир, ҳушқўшқўқ ақлий фаолияти, соғуноқ ва бевафо тақдирнинг найранглари қарамай, руҳининг тетиқлиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, истеъдодлилиги, фанга, санъатга муҳаббатига ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшоҳни тополмай-миз" ("Hurriyat", 2023 йил, 15 февраль).

Гулга япроқ, япроққа гул соя солади. Лекин иккиси ҳам бирдек азиз ва зарур бўлса-да, бирининг ўрнини бошқаси боса олмайди. Аммо биргаликда жозоба ва мукамаллик кашф этади. Уларнинг ифори ҳам, умуми ҳам алоҳида давлатни фуқародан, фуқарони давлатдан айро қуролмаган шох ва саркарда жуда катта сиёсий, ижтимоий, айни пайтда ҳаётий муаммони бобурога гўзал ифода билан таърифлаб, чуқур фалсафий умумлашма ҳамда ҳулосага келади.

Юртимизнинг барча гўшалари, таълим дароҳлари, маънавият масканлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлар Академиясида ҳам буюк шох ва саркарда фаолияти қиёсий ҳамда таҳлилий жиҳатдан ўрганилмоқда. Унинг қаламига мансуб рубоийлари ҳарбий хизматчилар томонидан ижро этилмоқда, саркардалик маҳорати, шохлик ва шoirлик фаолияти акс эттирилган промомолик тайёрлаб, Интернет саҳифаларига жойлаштирилди.

Янги Ўзбекистон асосчиси Шавкат Мирзиёев Олий Мақлис ва халқимизга қилган Мурожаатномасида қайд қилганидек: "Энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва осойишта-лигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуг бойлиқни асраб-авайлайлик! Шу мақсадда биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртва меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак". ("Янги Ўзбекистон", 2022 йил, 21 декабрь).

Очигини айтганда, буюк шох ва саркарда — дилбар шахс меросини Академияда имкон қадар тўла-тўқис ўрганиш ва ўзлаштириш учун курсант ва тингловчилар билан ҳар бир машғулот ёки тадбирда оидин фуқаролик жамияти ҳамда ижтимоий давлатимиз саодатининг асосий шарти сифатида чуқур ёндашсак, ҳарбий кадрлар тайёрлашда сифат, самара ва натижадорликка эришамиз, албатта! У — буюк саркарда бутун умр йўлини комиллик ила тараннум этиб, ўзидан ноёб асарлар қолдирди. Уларни ўрганиш давлат даражасида аҳамият қаратилаётгани эса юксак самаралар бериши шубҳасиз.

Карим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлар Академияси профессори.

МУЖДА

Нью-Йоркда "Ziyo art" — ўзбек тили марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди



Нью-Йорк шаҳридаги "Mahalla USA" ватандошлар жамоат уюшмаси томонидан Ўзбекистон Бош консулхонаси билан биргаликда жамият ҳузуридаги "Ziyo Art" ўзбек тили маркази янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2024 йил Ўзбекистонда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилинган мамлакатимизда, қолаверса, хориждаги ватандош ёшларга бўлган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди. "Ziyo Art" ўқув маркази "Mahalla USA" ватандош жамоат уюшмаси ҳузурида 2020 йил сентябрь ойда ташкил этилган. Марказ фаолияти АҚШдаги ватандошларнинг фарзандларига ўзбек тили ва адабиётини ўргатиш, уларнинг тарбиясида миллий кадриятларнинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган.

Ўқув марказида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун ўзбек тили ва адабиёти, одобнома, компьютер саводхонлиги дарслари, тасвирий санъат, математика фанларидан дарслар, шунингдек, шахмат, самбо ва кураш каби спорт турларида тугараклар йўлга қўйилган.

Машғулотлар шанба ва якшанба кунлари танлов асосида танланган малакали ўқитувчилар томонидан, Ўзбекистондан олиб келинган ўқув адабиётларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

Ўқув марказининг янги биноси машғулотлар учун мў-



жалланган 10та хонадан иборат бўлиб, умумий майдони 500 квадрат метрни ташкил қилади. Ҳозирги кунда марказда ойига 120-150 нафар болалар таҳсил олмақда.

Марказ янги биносининг очилиш маросимида сўзга чиққан "Mahalla USA" уюшмаси раҳбари Абдумалик Аҳмедов тадбир 9 февраль — буюк шоир, мутафаккир шоир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий ботомиз таваллуд толган кунда очилаётганига эътибор қаратди.

"Марказнинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодга, фарзандларимизга она юртва муҳаббат, ҳурмат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кадриятларимизни, миллий ўзлигимизни сақлаб қолиш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш ва кенг имкониятлар яратишдан иборат", — деди у.

"Mahalla USA" етакчиси, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати томонидан хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга кўрсатилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Ушбу марифат масканининг очилиш маросимида Ўзбекистон Бош консулхонаси дипломатлари, конгрессменлар, Нью-Йорк шаҳри сенаторлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, фаол ватандошлар ва маҳаллий ОАВ вакиллари қатнашди.

"Дунё" АА,
Нью-Йорк шаҳри

ТААССУФ

Муҳтарам жаноблар!

2022-23 йил қиш мавсумида қор устига қор ёғиб, жонни эғовлайдиган совуқ бўлганлиги сабабли газ кескин пасайиб, халқимиз иссиқликсиз қийналиб қолганини, ўйлаимизки, шу соҳага масъул сифатида Сизлар ҳам унутмаган бўлсангиз керак. Ростини айтганда, захрони ўтказган бултурги қиш давомида хонадонларимиздаги иситиш тизимларининг ўзи исинишга зор бўлди. Мажбур бўлиб, электр иситкичларни ишга солидик. Электр қувватини тақсимлаб берувчи трансформаторлар зўриққандан-зўриқиб, талаб қилинган электр қувватини етказиб беролмай, шўрига шўрва тўкилиб, "чарс-чурс"лаганча бирин-кетин тутати, куйди, ёнди...

Ана шунда электр қувватидан ҳам бенасиб бўлди. Ҳақиқий танглик бошланди. Ичидаги суви музлаб қолган кўза ҳам совуққа дош беролмай синди. Болалар туғул катталар ҳам типирчилаб қолишди. Одамлар иссиқлик ва электр қуввати тизимларидан норози бўлиб, интернет тармоқларида аччиқ-аччиқ гапирди-лар. Бу асосли эди. Чунки оғир аҳволга тушиб қолган пойтахт аҳолисига вазиятни ўнглаш учун қандай чоралар кўрилаётганини оммавий ахборот воситалари орқали тушунтирадиган мард топилмади. Соҳа раҳбарлари одамлар билан юзма-юз гаплашишдан ва кўнгиноқларга жавоб беришдан ўзларини олиб қочдилар. Бизнинг эса ёрдам сўраб мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Туман ҳокимияти билан иссиқлик етказиб бериш корхонасига куну тун кўнгиноқ қилиб, навбатчидан қуруқ гапдан бошқа нарса эшитмадик. Аҳвол эса мушкулли-гича қолаверди.

Яхшиямки, буларнинг баридан хабар толган Давлатимиз раҳбари мазкур масала бўйича шoshiлишч йиғилиш ўтказиб, оёғи ердан узилган бир қатор раҳбарларнинг жавобини берди, яна бир қанчасининг танобини тортиб, қаттиқ оғохландирди. Шунга қарамай, "бўлса бўлар, бўлмаса гўялаб кетар" кайфиятидаги айрим раҳбарлар этакларини йиғиб олмадилар. Арзи ҳолимизнинг бу ёғи айнан ушалаб аталган.

Камина истиқомат қилаётган Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли маҳалла аҳолиси иссиқликни Тошкентнинг маҳаллий аэропортидан икки бекат беридаги иситиш қозонидан олади. Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган бу иситиш қозони қурилганига камида олти йил бўлган. Ундан узатиладиган иссиқликнинг охири манзили бизнинг маҳалламиз. Бу ердаги кўп қаватли уйлар 1967-68 йилларда бунёд этилган. Орадаги масофа элик йилдан эиёд. Шу элик йил ичида иситиш қозони билан бизнинг маҳалламиз оралиғида озмуна кўп қаватли турак-жой ва хизмат кўрсатиш бинолари қад ростладими?! Буларнинг бари ўша иситиш қозонига уланган.

Ҳўш, бундан олти йилча муқаддам қурилган иситиш қозони мўлжалдаги бир-икки қаватли 100-150 бина устига қўшилган беш-олти юзта кўп қаватли иситишга қодирми? Йўқ, албатта! Шунинг учун ҳам яқин ўн йилдан буён Шароф Рашидов маҳалласига қайна-

ган сув паст босим билан судралиб келса-да, ҳароратдан дарак йўқ. Одамлар қишининг совуқ кунларини бир амаллаб ўтказишга мажбур. Бундай пайтда қорасини кўрсатмайдиган соҳа мутасаддилари ҳисоб-китобга келганда гапни "тўламасангиз, судга берамиз"дан (кундалик жаримаси билан қўшиб) бошлайдилар. Минг афсуски, инсон ҳақ-ҳуқуқларини қонун доирасида ҳимоя қилиши керак бўлган маъмурий идоралар ҳам бундай пайтда масаланинг моҳиятига етмай туриб, иссиқлик кўрмаган фуқарони жазага тортишдан тиймайдилар. Қани айтинг-чи, жаноблар, бундай адолатсиз-

ятларигача, иссиқлик етказиб берувчи туман корхонасидан то жавобгар вазирликларнинг жойлардаги бўлимларигача ҳар кун беш-ўн марталаб мурожаат қилаёلمиз десак, ишон-веринг!

Хизмат кўрсатувчи компаниянинг ҳам, иссиқлик корхонасининг ҳам муҳандисларини мутахассислари неча бор келиб, масалани ҳал эти олмадилар. Ҳатто Миробод туман ҳокими ўринбосари ҳам билалонлари билан келиб, муаммони ечолмай кетди. Биз эса кўнгиноқ қилишдан тўхтамадик. Ростини айтганда, туман иссиқлик корхонаси ўз айбига иқдор

бирга ўзимиз ҳам титраб-қақшаб, гоҳ йўталиб, гоҳ иситмалаб, дорихонадан оёқ узмай, амал-тақал қилиб, баҳорга чиқиб олган эдик. Аммо кўп қаватли уйлариимизнинг четиди хонадонлар деворларигина эмас, шифтлари ҳам захдан могорлаб, қорайиб, сувоқлари кўчиб тушиб, бутунлай таъмирталаб бўлди. Бутун қиш давомида хонадонларимизда иссиқлик бўлмаганлиги ҳақида далолатнома тузиб, имзолару муҳрларни қўйиб, туман иссиқлик корхонаси раҳбари қўлига тутқазиб, кўрган зарарларимиз ҳақида куйиб-пишиб гапирганимиз ҳавога учди-кетди. На тўлов, на таъмирталаб хонадон-

ишдан энди умид қилмасак ҳам бўлар. Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор деганларидек, бизнинг совуқдан азият чекаётганимиз иссиқ уйда яйраб ўтирган соҳа масъулларини ташвишга солармиди? Оғримаган бошини орғитиб, зарур келибдими?! Илтимос, фақат Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига мурожаат қилинг деманг! Бу вазирликда бор-йўғи биттагина —71-210-11-04 рақамли телефон бор. Вазирдан тортиб, муовинларигача шу рақам билан ички телефонга боғлиниш мумкинлиги тўғрисида маълумот берилган. Агар вазирга кўнгиноқ қилмоқчи бўлсангиз, 71-210-11-04 дан кейин 1250 рақамини терасиз. Бирок ҳеч қандай жавоб бўлмайди. "Ходимнинг ички рақамини теринг!"ни қайта-қайта эшитаверасиз. Худди шунингдек, ўринбосарларга ўрнатилган 1101, 1013, 1051, 1506 рақамларига ҳам бир неча кун давомида узлуксиз кўнгиноқ қилиб, ҳеч ким билан гаплаша олмадик. Аппарат раҳбари билан матбуот котибиди ҳатто ички телефон рақами ҳам йўқ экан. Балки, уларни ҳеч ким безовта қилиши керак эмасдир. Иссиқликка жавоб берадиган вазирликнинг иш тартиби шундай бўлганда кейин, додигизни кимга айтасиз?! Маҳаллага яқин ҳам келмайдиган туман раҳбарларимиз ёки иссиқлик таъминоти корхонасининг телефон қоровлиғими? Кимга?!

Одамларнинг саломатлиги билан боғлиқ бўлган бу масалага маҳалла раҳбарияти лоқайд қараб келаётгани, айрим хизмат кўрсатиш компаниялари ўзларига тегишли бўлган уйлари имкон қадар иссиқлик билан таъминлаш мақсадида жинойи ишга қўл урганликларини била туриб (бундан туман иссиқлик тармоқлари корхонаси ва коммунал хўжалиги мутасаддилари ҳам тўла хабардор) кўзларини кўр, қуллоқларини қар қилиб ўтирганларига нима дейсиз? Иситиш тизими фаолиятини кўп равишда бузиб, ундан ўғринча фойдаланишни йўлга қўйган компаниялар раҳбарларига нисбатан чора кўриш учун туман иссиқлик таъминоти вакили томонидан тузилган далолатномаларга маҳалла оқсоқоли имзо чекиб, муҳр босишни рад этганлигини алоқадор идоралар раҳбарлари қандай баҳолар эканлар? Юзлаб тонна сувнинг иситиш қозонига қайтиб бормай, оқова тармоғига оқизилганига ким жавоб беради?! Хизмат кўрсатувчи компаниями ёки билиб билмаганликка олган маҳалла оқсоқолими? Ким?!

Хуллас, бу кетишда қишининг қолган кунларини ҳам амал-тақал қилиб, иссиқликсиз ўтказадиганга ўхшаймиз, шекилли. Эртага "VEOLIA"чилар (бу хорижий корхона билан шартномамиз йўқ. Умуман, туман иссиқлик тармоғи корхонаси билан кейинги ўн беш-йигирма йил ичида шартнома тузилган эмас) яна эшигимизни тақиллатиб, "тўлайсан, тўла-масанг, судга берамиз" дейдими?! Йўқ, энди бундай бўлмайди. Бизни ва ўзларидан юқоридиқларни алдаб келаётган ўзи ўзига хон, қўланкаси майдонлар қилмиш-қидирмиш эканлигини унутмасинлар!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист.

КИМ КИМНИ АЛДАЯПТИ?

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва "VEOLIA ENERGY TASHKENT" МЧЖ ХК мутасаддиларига

ОЧИҚ ХАТ

лик яна қанча давом этади? Ниҳояси борми бу текинхўрликнинг?!

"Ёзда тўнингни қўйма, қишда ўзинг биласан", деган мақолни сизлар ҳам эшитган бўлсангиз керак. Масалага шу нукта назардан ёндашган Президентимиз қиш мавсумига тайёр-гарликнинг аҳолини бир неча бор муҳокама қилиб, мавжуд камчиликларни тезгина бартараф этиш бўйича соҳа жиловини ушлаб турган сиз жанобларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди. Қатор-қатор раҳбарларимиз эса кўзини чирт юмиб: "Бу йил ҳеч қандай муаммо бўлмайди, қишга тайёрмиз!" — дея бўлбўлди сайрашди. Ҳўш, чиндан ҳам муаммо бўлмадими? Бўлди. Бўлганда ҳам ростакамига бўлди. Мана эшитинг!

Утган йили Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан 6 ноябрь кунги пойтахтликлар хонадонларига иссиқлик берилди. Шароф Рашидов маҳалласи аҳолиси эса бу иссиқликни ҳозирга қадар кутмоқда. Ҳали кўринганича йўқ. Худди утган йилгидек кўринмаса ҳам керак. Йилгилган маблагни еб-ичиб ўтирган номи улуг, супраси қуруқ хизмат кўрсатувчи компаниялардан (бу соҳа фаолиятини замон талаблари даражасида тубдан қайта ташкил этиш вақти келмадими?) тортиб, туман ва шаҳар ҳокими-

бўлгиси келмади. Аммо касални яширсанг, иситмаси ошқор қилар деганларидек, бу корхона "арбоб"лари бизни алдаб келаётгани фош бўлди. Аввалига улар "фалон жойда қурув алмаштирсак босим ошадим", дейишди. Бўлмади. Кейин "кўшни маҳалладаги барча уйлариинг иссиқлик тарқатувчи қурилмаларига "шайба" ўрнатсак, хонадонларингиз исиб кетади" дея енг шимариб, 8-10 кун тер тўқиди. Барбири бўлмади. Босим паст бўлди, иссиқлик қайдан бўлсин?!

"Бор отангга, бор онангга"дан безиб, охири Давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхонасига бир неча бор (23.11.2023 йил: 814058/23; 27.11.2023 да такроран; 09.12.2023 йил: 861202/23-рақамлар билан рўйхатга олинган) мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Вақт ўтиб жавобини сўраганимизда: "Ижро учун юборганимиз, ўн беш кундан бир ойгача бўлган муддат ичида жавоб олмасиз", деди навбатчи оператор. Мана, 2024 йилнинг февраль ойи ҳам ўтиб борапти. Лекин ҳеч ким бу масаланинг ечимини учун елиб-ноғургани йўқ.

Қишининг бир кун ҳам — қиш. Қор устига қор ёғиб, яна совуқ кунлар бошланди. Ҳўш, энди яна утган йилгидек "оҳ-воҳ"лаб ўтираверайликми?! Аввалги қишда болаларимиз билан



лар масаласи кўрилди. Аксинча, эшик қоқиб келган корхона ходими емаган сомсага пул талаб қилди. Устига қарай, суд орқали ундириб оламиз деган дағдагани ҳам унутмади. Бундай ғайритабиий муносабатни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи республика қўмитаси қандай баҳолар экан?

Президентимиз утган йилнинг 13 декабрь кунин Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида бўлган чоғида яна иссиқлик масаласига қайтиб, тегишли вазирликлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига аниқ топшириқлар бергач, 2023 йилнинг 20 январь кунин Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳри аҳолисини қўшимча иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш мақсадида тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тезкор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан бизнинг маҳалламизда ҳам (рўйхатнинг бошида турибди) замонавий иситиш тизими қурилишини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Бугун бўлади, эрта бўлади билан қанча ойлар ўтиб бормоқда.

Афсуски, бу тезкор топшириқни бажариш Энергетика вазирлиги билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига юклатилган бўлса-да, негадир улар ҳалиям жим. Йил давомида қилинмаган

1-6

Ёшқуллардан-да даранг-дурунг қилиб эшитилаётган мана бу мусиқалар... Балки, балки шу йил билан ёшларни даврага чорлашмоқчи-дир?.. "Охири гапимга ишончм қаттиқ эди: "Бугун — 9 февраль. Рўпарада Алишер Навоий номидаги университет. Майдон ўртасида Навоий ҳазратлари сиймоси... ахир бошқача бўлиши мумкинми?" Лекин мен бошқача бўлиши мумкинмаслигини дилда қатъий тақорлаганим сайин, ташқаридан айрим ўзбек эстрада кўшиқлари ва хорижий мусиқалар бир-бирига улашиб авжланиб борарди. Ниҳоят, иш вақти тугаб, ташқарига шошдим. Шом қоронғуси тушган, Алишер Навоий сиймосини тикилиб қарасанг кўз илгайди. Аммо унга орқа қилиб турган юзлаб ёшлар кучли чироклар ёритиб турган саҳнадаги баланд бўйли, сочлари ёйиқ, костюм-шим кийган қизнинг қўлларини гоҳ икки ёнга ёйиб, гоҳ осмонга бигиз қилиб хорижий тилдаги хонишига юз тутишган.

— Бу тadbир ташкилотчилари ким? — деб сўрадим қатор турган ички ишлар ходимларининг биридан.

Улар бир йигитни, у эса баланд бўйли, ўз ишдан гоят хурсандлиги юзидан кўриниб турган бошқа йигитни кўрсатди. Ўзини таништирдим, у ҳам ҳоқимиятда ишлашни айтди. Тўғриси, қиёфаси шундоқ кўз ўнгимда қолган ўша йигитнинг исми шарифини тўлиқ билишгаям тоқатим етмай, "Бу қанақа тadbир?" деб сўрадим. "Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга бағишланган кеча", деб жавоб берди у.

— Бугун, ўзинг ҳам яхши билсангиз керак, Алишер Навоий таваллуд толган кун, мана шу тadbирни улуг шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказса бўлмайди-ми? Чунки...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

— Яхши. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Навоийдек ҳар жиҳатдан ибратли шахслар кам топилмади...

— Бу кундуз кун Навоий ҳайкалига гуллар қўйди, — гапимни бўлди сўхбатдошим.

ятли, осон бўлмаган вазифаларни қўйди. "Долзарб, жиддий, масъулиятли" ифодаларини кўп ишлатамиз, ҳатто улардан ўйлаб-ўйламай навбатчи сўзлар қаторида фойдаланишга ўрганиб қолганмиз. Бу ўринда улар асл маъносидаги юкни кўтариб турибди. Зиммамиздаги бу долзарб масъулиятнинг осон бўлмаган жиҳатлари кўп ўйлантиради.

Илмий лўғатларда янги бўлган контент сўзига "ўз-ўзини ифода этиш, тарқатиш, маркетинг ва /ёки нашр этиш учун нутқ, ёзув ёки турли хил санъат турлари каби бирон-бир восита орқали ифодала-

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ БЎЛСИН!

ниши керак бўлган ахборот воситаси" деб изоҳ берилади. Демак, контент яратиш ҳар қандай журналист, қаламкаш, блогернинг ўз-ўзини ифода этиши учун нутқ, ёзув ёки турли хил санъат турлари каби воситалар ёрдамида ахборот махсулотини ижод қилишидир. Бу қонда дунёдаги барча оммавий ахборот воситалари ходимлари учун бирдек тушунарли ва бирдек мезон.

Бизнинг олдимишга ўзбек ахборот маконида миллий контент яратиш, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатлар нуктаи назаридан баҳо бериш топшириги қўйилди. Яъни, ахборот макониди махсулотларимиз оша ўзбекистон заминиди ўзбекистонликларнинг тарихи, маданияти, маънавияти, миллий менталитети, қадриятлари, урф-одатлари, неча асрлик илдишлариди ҳаёту ҳикмат олган замонавий анъаналарга кўзга бўлиши керак. Миллий контент яратишнинг бошқача йўли йўқ, тўғрими?

"Ўзбекистон жуда катта тарихга, маданиятга, санъатга, билимлар ва илмларга бой мамлакат. Телевидение, интернетда берилаётган контент ҳам шунга мос бўлиши керак", — дейди Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси раиси Шерзодхон Қудратхўжа.

"Бугунги глобализм даврида кўряпмизки, ҳозирда ҳақиқатдан ҳар бир давлатнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳамма нарсаси ўзиники бўлса яхши экан", — бу "Фикрат" нашри журналисти Ғайратхўжа Сайдалиев фикри ва шу каби мулоҳазаларни кўп келтириш мумкин. Бу масаланинг ечими кимларгадир унча қийин эмасдек: тайёрлаган медиа махсулотининг қаеридадир бешикни эслаш ёки дўппинг расмини қўйиб қўйиш; қизалоққа атлас қўйлаб кийдириб шезър айтириш ёки реп қўшиқчиси концерти ўтадиган саҳнани миллий нақшлар тасвири билан безаш (ва ҳоказо) билан урдалаб қўя қолса бўладиғандек.

Аслида, дунё ахборот макониди ўзбек миллий контентини яратишдан мақсад — медиа оламида хорижийлар учун ўзбекона ҳаёт шакли шамо-йилини чиройли, мафтункор, жозибали қилиб чи-

зиб, тасвирлаб, ҳикоя қилиб бериш эмас; балки бу ота маконда, аввало, боболаримиз, момоларимиз, ота-оналаримиз неча асрлик синовлар, тажриблар, меҳнату изиланиш самаралари асосида тамо-йилга айланган, ибрат излаганга ибрат бўлишга муносиб ҳаёт тарзига, қадриятларга, урф-одатларга садоқатли турмушимизнинг ахборот воситаларида далили ибоблари билан қизиқарли, ёрқин, моҳирона акс этишидир.

Глобаллашув даврида глобал маданият ўзининг ташқи "ялтир-юлтур"лари, "бир мартагина берила-

диган ҳаётда яшаб қолиш кераклиги"га кимларнидир ишонтира олиши, энгиллиги, осонлиги билан миллионлаб қалбларни юҳодек ютиб юбормоқда. Мана шу даврда она Ўзбекистонимизни шараф билан асраб-авайлаш; ўзбек халқининг ўзлигини байроқ мисоли юксалтириш; ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида жисм ва қалб саломатлигини, жамиятни зғу мақсадлар йўлида жиқлаштириб, унга жисмон ва маънавий куч-қувват ато этадиган ўзаро меҳр-оқибат, саховат, бағрикенглик туйғулари, оилаларда ҳақиқий баркамол авлод ўлғайтирувчи сабури ирода, ҳалоллик, ростўйлик, меҳнатсеварлик, каттага ҳурмату кичикка иззат фазилатларини бардавому барқарор этадиган реал ўзбекона ҳаёт тарзининг инъикоси бўлган ахборотларига Ўзбек миллий ахборот контентини ташкил этиши мумкин.

Шу нуктага назардан қараганда... Наздимда, масаланинг жон томири ва юқориди қайд этилган осон бўлмаган томони шунда. Чунки "қозонда бўлса, чўмичга чиқади". Ҳаёт қозонимиздан ахборот дастурхонларига тортилмаган (қўпол ухшатиш бўлса-да) "масаллик"ларнинг аксариятида глобал маданият қиёфаси оқибатлари "барг ёзиб, гуллай бошлади".

...Танишимнинг ҳикояси: "Қўшнимиз — оила бошлиги чет элга ишлагани кетиб, аёли учта қизи билан қолди. Қўп қаватли бинода ҳам уйлари бор эди, ижарачи қўйишди. Бир-икки йилда иккита қизига энгил машина сотиб олишди, улар ҳовлидан машинада чиқиб, машинада кириб кетишарди. Фурсат ўтиб, бир кун қўшни эркакни ҳовлиси олдиди қўриб қолдим, у жуда асабий эди. Қўришдик, соғу омонлик сўрадим. Қўшним тўлиб турган эканми, ўз-ўзидан ёрилди: "Қўрмайсизми? Мен у ёқларда кимларгадир хизмат қилиб пул топиб юбораверибман... бу ерда булар... Кеча кечқурун келдим. Бугун эрталабдан дам олмоқчи эдим, қизларим ишга кетишган. Ишонасизми... ҳовлидаги ошхона омондорхонни айланам, бир марта овқат олиб келишга ишлатилган ювиқсиз ечим идишлардан бир машинани ахлатпа олиб чиқиб ташладим..."

Кимларгадир тақлидан кўчадан овқат ташиб та-

омлини билан гўёки аёллар юмуши камайганидан хурсанд бўлди. Аслида, бу хурсандчилик бекани оила аъзолари орасида эъзоли қилган, улар ҳар кун мионатдорчилик билан эътироф этган, рўзғорга барака киритган, қариндош-уруғлар орасида хурматга сазовор этган пазандалик, саранжом-сарихатлик, ҳислатларининг юққариб, йўқлиб бориши эъзаига келди. Бир донишманд ақли ўткир болага тикилиб ўтириб: "Агар унга қирқ кун кўчадан овқат ташиб едилрлса, зехни ўтмаслаша бошлайди", — деган экан.

...Бундан ўн беш-йигирма йиллар олдин қиз эътиладиган хонадонда тўйдан олдин маҳалла аёлларидан фурсати, имконияти борлари "кўрпа қопа-дун" маросимига йиғилишарди. Улар ўша кунни бўлажақ келиннинг кўрпа-тўшақларининг авра-астарини тикиб, пахта солиб қоплаб, қавиб тахт қилиб чиқиб кетардилар...

Кўни-қўшинларнинг ўзаро аҳил, оқибатли, яхши-ёмон кунларида елкадошлиги шаклланишида шундай одатлардан ўтадиган "устоз" топилмаса керак. Илгари деярли барча уй бекалари энгил-елли кўрпа-тўшақларини ўзлари қоплаб, қавиб олганлар, чунки улар бу ишни қўшинларидан ўрганганлар.

...Момолар, оналар назоратида янги чақалоқли уйга йигирма кунгача (баъзи жойларда 40 кунгача) кўни-қўшни, қариндош-уруғлар киришмаса, аммо эмизлик аёлнинг аҳоли-ҳолатини билганлари учун иссиқ таомлар билан дарвоза олдидан йўқлаб туришарди...

Чунки оқила буви ёки она гулбардан ҳам нафисроқ бўлиб турган икки жон — янги кўзи ёриган аёл ва чақалоқни уринтиргиси, безовта қилгиси, уларни ҳар хил назар-нафасларга дучор қилгиси келмайдиди-да! Кейинги пайтларда марказий шаҳарларда (айниқса, Тошкентда) она-боланинг туғруқхонадан чиқиб келишига қизнинг онаси бир неча аёллар билан тоғора-тоғора егулик, қатор-қатор кийимчалар, қувё ҳамда қудаларга сарулопар билан келиши ва уларни қувё томон уялмай қабул қилишида айрим кишиларнинг нафси роҳатланишидан бошқа қандай маъно-мақсад бор?

...Ҳомилдор аёллар, кўшиқчи бегоналари кўя турунг, ўзининг жигарлари, оиласидигилар олдида ҳам ийманиб, тортиниб кенг ва сипо қўйлақлар кийиб юришарди...

Ҳомилдор аёлнинг хунуги бўлмайдди. Зеро, бу фаслда аёл шу қадар маъсум, мулоийм, ҳимоятлаб бўлади — ақлимизни таниганимиздан бўён аксиомаса айланганди бу хулоса. Энди... баданини сириб қўйлаб, шим, ероплача кийим кийганча, тортиниб-ийманиш нималигини билмай ўтиб бораётган ҳомилдорни кўрганча ори-

ятли аёллар уялиб ерга қарайдиган бўлди. ...Водийда қизлар 9-10 ёшга етган, оналари илак-сабоқ, шў кўрпача тайёрлаб бериб, дўппи (тўн, қўйиқ, камзул) тикиш ўргатиларди. Ўсимир қизларнинг қўли нина-иға ҳимарилиб ёпишмаслиги уят саналарди...

...Дарвоза олдиди гаплашиб турган иккита аёл узоқдан ёши улунинг қорасини кўриши билан ўз уйларига зувилаб кириб кетишарди...

Бу билан бекорчиликдан келиб чиқадиган бе-маънигарчиликлар камаярди, олди олинарди. ...Атлас ва адрасдан миллий бичимда тикилган либослар асосан саҳналарда қолди. Бу ўхшаши йўқ матоларимиздан тикилиб подиумларда намойиш қилинаётган айрим кийимларнинг бичими чет давлатлар рестораниларида қўшиқ айтадиган хонимларнинг либосигаам ўхшаб кетади. Уни кўриб "Эзиз мато!" — дейсиз.

Турли кимёвий ҳид ва таъмллар қўшиб тайёрланган ҳар хил идишлардаги емишларни туриб, юриб, телевизор кўриб ёки телефонга тикилиб чўқилаш; ўлганнинг устига чиқиб тепган каби бир мусибат ё муаммага учраб турган одамни видеога олиб элга овоза қилиш; ўсма, сура, хиноларни эскилик сарҳити атаб, лабларни дурдайтириб, қош-кўзу юзларини бир қоллиға солиш; ярашмаган қилиқларни рақс деб намойиш этиш — бу қабилар глобал маданият дунёсининг нуқслари. Улар инсон жисмига руҳиятдан саломатлиқни, қалбидан одамийликни, юз-кўздан андишаю истарани ювиб, ўчири ташлайди. Бундай аҳолига тушган инсон бахтли бўлиши мумкинми?

Эҳе, мен билганларимдан саралаб айрим йўқотганларимиз, йўқотаётганларимизни тилга олдим. Билмаганларим, турли ҳудудларнинг ўзига хос анъаналари, одатларининг саногии бормикини? Уларнинг ҳар бири моҳиятида қанча ҳикмату ибратлар мужассам. Буни халқимизга аниқлатмасак, мағзини қақиб қўришга ўргатмасак, уларга кундалик турмушда онгли равишда рияз қилмасак, ахборот макониди ўзбек миллий контентини нимага асосланиб яратамиз?

Яна бир гап: ҳозир айрим видеороликлар, видеоплакарларда миллийлик маъносиди пахта йиғираётган, пахтани чарҳда илга айлантираётган, қозонда қайнаб турган пилланинг ипагини чувиб олаётган, ариқ ва дарёдан чарҳда сув чиқараётган момолар, боболарни кўрсатиш бугунги Ўзбекистон учун умуман ярашмайди. Янги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига мос қадамлари, тараққиёти, замонавий қиёфаси бугунги одамлар ҳаёти орқали акс этиши керак.

Қиссасдан ҳисса деганларидек, дунёда ўзларини алоҳида имтиёзларга лойиқ деб ҳисоблаб, бизнинг миллий қиёфамиз ва ўзлигимизни йўқотиб ташлаб, ота макондаги ҳақ-ҳуқуқларимизга раҳна солмоқчи бўлганлар қўйган мафкуравий тузоқлардан ҳушёр бўлиб бўлишимиз учун нималар қилишимиз керак? — мана шу ҳақда биргалашиб мулоҳаза юрирсак, сўзлардан амалларга ўтсак...

Муҳтарам УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЭЪТИБОР

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тўғрисида"ги Фармонида 2023 йилгача бўлган даврда биринчи устувор йўналиш сифатида айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Зеро, ҳар қандай жамиятнинг эртанги кун истиқболини белгилашда бугун униб-ўсиб, катта ҳаётга кириб келаётган янги авлод вақилларининг билими, кенг дунёқараши, касб-хунаяр эгаси бўлиши ҳал қилувчи ҳақимият касб этиши аини ҳақиқатдир.



ЁШЛАР ҲУНАРЛИ БЎЛСА...

Айни пайтда Фарғона вилояти олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси тизимиди 76 та профессионал таълим муассасалари (32 та касб-хунаяр мактаби, 17 та қолже ва 27 та техникум) фаолият кўрсатмоқда. Таълим муассасаларида 51 мингдан зиёд ўқувчига 3,5 минг ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари 171 та касб-хунаяр бўйича сабоқ беради.

2023-2024 ўқув йилида вилоятда 15,6 мингдан ортиқ мактаб битирувчилари 32 та касб-хунаяр мактабига 41 та касб йўналиши бўйича қабул қилинди. Бу йил эса 25 минг нафардан кўпроқ мактаб битирувчиларини профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари 760 нафардан ортиқ ўқувчиларимиз талаб ва эҳтиёж юқори бўлган 5 та замонавий касблар бўйича рақобатбардор мутахассислар сифатида тайёрланмоқда, — деди Фурқат касб-хунаяр мактаби директори Шаҳзода Абдуллаева. — Шунингдек, дуал таълим тизими асосида ҳам ўқи-тиш йўлга қўйилган. IT, хорижий тиллар ва спорт йўналишида ҳам тўғарақлар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

СУРХОН ТОМОНЛАРДА

ШЕРОБОДЛИК ОИЛА ТУЯ БОҚМОҚДА

Ҳилот знам (бобонинг оналари) юз ёшларида ҳам эчкининг қилидан арқон, отга айил, юган, нўхта, ўтовга бағиш, қора уй керагаси, чамбарак ва увуқни боғловчи тизмалар, боғичлар қилардилар. Падали бузуққоримиз: "Мом, сизга нима етмайди? Қўни-қўшни уят қилишди, бу ишларни йиғиштиринг", дея қайта-қайта зорланардилар. Ҳилот знами: "Бекорчидан худо безор, ҳали озгина дармоним бор, ўзимни ўзим овутаман, болам. Улим ясаган оқ ўтовни биров сўраб келса, бу тўқиганларим бир банданинг камига асқотади", дердилар.

Келинлари, набира, чевара қизларини койридилар: "Нон пиширдим, сигир соғдим, деб ўтираверсанларми? Қанор-қанор жун, тивит увол бўлапти. Уни титиб, йиғириб, қоли, ғажари, қома, шол гилам қилсанглар, ули-қизларининг себини безайди. Ҳадемай қиш келади: болаларингга, эрларингга жундан нимча, чакмон, пайтава, қўлқоп қилиб беринглар, ўрсининг дўқонидан бир пулга арзимайдиган қалта кийим-кечакни сотиб олгунча. Бекнинг арки, беканинг сарфи, деган гапни ота-эналаринг ёшлиқда қулоқларингга қуймаганими?!" Шундан сўнг гурунчи қиз-жувонлар қолларини чирмирганчи уй-уйига равона бўларди.

Бугун-чи, бугун қўпгина оилаларда беш-олти жон бўлса-да, эркакнинг топганига қараб ўтиришади. Гўёки рўзгор юмушларини бажариб, болаларни овқатлантириш, уст-бошига қараш билан уй бекаси кун-ой ўтганини билмай қолару. Бугун мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида қандай юмуш бажариши,

касбидан қатъи назар, эр оиланинг ҳар томонлама таъминотини расамадлаши керак, деган ақиди билан яшаётган аёлларимиз, келинларимиз ҳам қўллаб топилади. Аммо юқоридигидек муҳитда улғайиб, тарбия олганлар жуда кам қолган бўлса-да, бор. Ана шулардан бири Шеробод туманининг "Гулчинор" (собиқ Усмон Юсупов номли давлат хўжалиги) маҳалласида истиқомат қилаётган Наргиза Абдурайимовадир.



Бундан ўн йил илгари оиласи ва болаларининг келажагини ўйлаб, ўзича режа тузиб, турмуш ўртоғи Нормурод Ниёзовга маслаҳат сола бошлади: "Иккаламизнинг ҳам муқим касбимиз йўқ. Мавсумини ишлаб қосамиз оқармайди. Рўзгорни, уч боланинг эртасини ўйлашимиз керак". Турмуш ўртоғи розилик билдирди. Шундан сўнг сўради, суриштирди, билмаганини билди, ўрганди. Ҳисоб-ки-тобига ишонч ҳосил қилгач, 2016 йил банкнинг 7 миллион сўм кредити эъзаига туя сотиб олди. Шу тариқа "Гулчинор" маҳалласида уй шароитида оилавий туячилик хўжалигини ташкил этди.

— Туя ҳам хазинанинг бири экан, ҳаракат қилсангиз, баракатни аямайди, — дейди Наргиза опа. — Ҳозир олти туяни соғамиз. Жониворларга яхши қаралса, кунига 10-12 литрча сўт беради. Жуда зарурат туғилганда кунига тўрт маҳал соққан кунларимиз ҳам бўлди. Элчилик-да, талабгорлар кўп, раъйини қайтаролмайсиз.

тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганлари ҳам бежиз эмас. Аҳоли бандлиги таъминланишидан ташқари, турмуш шароити яхшиланади, бозорларимиз обод бўлади, — дея фикрларини билдирди "Гулчинор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматулла Рўзимов. — Маҳалламиздаги 984 та оилада 3823 нафар аҳоли умргуздорлик қилади. Қанийди, Ниёзовлардек меҳнаткаш оилавий тадбиркорлар янада кўпайса! Маҳалламиз фаоллар билан биргалликда бу борада доимий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораёلمиз.

Дарвоқе, мутахассисларнинг фикрича, туя сути таркибиди ноёб дармондорилар бўлиб, жигар, ошқозон, ўпка, ўн икки бармоқли ичак, ўт, қанд касаллигидан шифо топишга ёрдам беради. Бу жониворларнинг жунни, тивити жуда ноёб бўлиб, нафис матолар тикилади. Ҳар биридан 4-5 килограмма жун қирқиб олинади. Оилавий тадбиркор — Наргиза Абдурайимова туядан келажакда гўшт, айрон етиштиришни йўлга қўйиш ниятида. Мухими, туялар алоҳида парвариш талаб қилмайди, жуда чидамли ва бардошли, унга қирлар ҳамда янтоқ бўлса бас.

— Одамлар ишонган, наф қўрган нарсасига интилади. Айниқса, хонадонимиздан ёш болали оилаларнинг кети узилмайди. Болалардаги томоқ оғриги, йўтал, сурункали шамоллашга қарши туя сутидан икки кунда бир пилёла ичирилса, қўрмагандай бўлиб кетади. Бунинг фойдасини кўпчилик яхши билиб қолди-да, — деди Наргиза опа.

Ишонверинг, қилинган харажатдан ташқари, Нормурод Ниёзов ва Наргиза Абдурайимова оиласи ўртача туячиликдан оилага ўн миллион сўмгача даромад топаётган экан. Шунинг эъзаига хонадони бут, дастурхони обод, эл ҳам, юрт ҳам манфаатдор. Ана энди туяни минган узқини кўзлайди, бекнинг аркидан беканинг сарфи афзал, деган машойихлар ҳикматиини тушунади...



Таълим даргоҳининг 10 сотих ер майдониди ис-

Шерзод ҚОРАБОВ,
"Hurriyat" муҳбири.

Сафар ОМОН,
"Hurriyat" муҳбири.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАРГА УЮШМА
СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ёшлар овози" газетаси тахририяти қошдаги "Маҳорат мактаби" тингловчилари учун "Замонавий фотожурналистика муаммолари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Ушбу тадбир аввалида мазкур "Маҳорат мактаби"га Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан замонавий проектор, проектор учун экран ва маркерли доска топширилди.

— Бугун медиа соҳага ҳам янги техника ва технологиялар кириб келмоқда, бўлажак журналист йигит-қизларимиз ана шу техникалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз билим ва малакасини бойитиб бориши керак, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов. — Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган дастурда устоз-шогирд аънанаси асосида Маҳорат мактаблари ташкил этиш, ушбу мактаблар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. "Ёшлар овози" газетаси тахририяти қошдаги "Маҳорат мактаби"га бугун биз топширган техникалар ҳам ана шу вазифалар ижроси доирасида амалга оширилди.

Семинар-тренингда таниқли ва тажрибали фотожурналист Муҳаммад Амин тингловчиларга фотоаппарат билан ишлаш, объективлар, ёруғлик, соя, ракурсларни белгилаш, мавзуга мос фотоларни қай йўсинда танлаш бўйича маълумотлар берди.

— Мазкур тадбир биз учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, — дейди "Маҳорат мактаби" тингловчиси Машура Бурхонова. — Фотоаппаратлар, уларни ишлаш ва фотоматериал тайёрлаш бўйича кўп нарса ўргандик. Бу эса амалиётда бизга қўл келади, деб ўйлайман.

— Фотожурналистика бўйича тингловчиларимиз олаётган билимларини амалиётда қўллаш олиши, бу борада уларни тўғри йўналтириш муҳим, — дейди "Ёшлар овози" газетаси муҳаррири Сардор Ялғашев. — Айни масалада бизни қўллаб-қувватлаб, кераклик техника воситалар билан таъминлагани учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасидан миннатдорим.

Семинарда ёш журналистлар фотожурналистикага оид ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олди.

Ўзбекистон — Тожикистон:

ЖУРНАЛИСТИКА
СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК
РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига таъриф буюрган Тожикистон Журналистлар иттифоқи раиси Зиннатулло Исмоиловда ҳамкасби, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон билан олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар ижроси доирасида амалга оширилган ишлар, ҳақларини ўртасида дўстлик ришталари мустақамланиб бораётгани, икки мамлакат медиа соҳа вакиллари ижодий алоқалари, бу борадаги галдаги ҳамкорлик масалалари хусусида сўз юритилди.

— Тожикистон Журналистлар иттифоқи раиси Зиннатулло Исмоиловда билан мамлакатларимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари орасида ўзаро таъриба, медиа тузилмалар ўртасида материаллар алмашишни ривожлантириш каби масалалар хусусида фикр алмашди, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Х.Салимов. — Келишувга кўра, жорий йилнинг июли ойида ўн нафар Ўзбекистонлик журналистнинг Тожикистонга беш кунлик ижодий сафари амалга оширилди. Ана шу тадбир доирасида турмишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган ишларнинг самараларига оид материаллар ушбу мамлакат ОАВларида эълон қилиш учун тақдим этилади.

Давра суҳбатда 2022 йил май ойида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Тожикистон Журналистлар иттифоқи ўртасида имзоланган ҳамкорлик келишуви мазкур йўналишда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

НУРЛИ ИЗЛАР

Эсимда, талабалик йилларимда юртимизда чоп этиладиган деярли барча нашрларни ўқиб борардим. Саноклигина бўлган, кўпчилик яхши биладиган газеталарнинг эл-юрт меҳрини қозongan мухбирлари қаторида бўлиш биз учун ушлмас орзу бўлиб туялардим. Орзуга эса айб йўқ. Қашқадарёдек олис юртинг тоғли бир чекка қишлоғида ўсиб-ўлғайган содда ва тўпори йигит бўлсам-да, публицист сифатида элга танилиб, моҳир журналист бўлиш учун тинимсиз ҳаракат қилдим.

Ўтган аср 80-йилларининг ўртаси эди. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетининг кундузи бўлимида таҳсил олаётган кезларим фарзандли бўлдим. Ўғлим Ҳўмон тугилган. Уша пайтда рафиқам аспирант, мен эса талаба эдим. Ўқидан ажралмаган ҳолда ишлашга мажбур бўлганлигим сабабли таҳсилни кечки бўлимида давом эттирадиган бўлдим. Дастлабки иш фаолиятимни қайси тахририятдан бошлашни билмай, бошим қотди. Маслаҳат олиш учун элимизнинг ардоқли ва атоқли шoirи Абдулла Ориповнинг олдига югурдим. Уша вақтлар "Гулхан" журнали бош муҳаррири бўлган шoirи калон бир неча тахририятларга сизм қотди. Хуллас, хорижлик ўзбеклар учун нашр этиладиган "Ойдин" газетаси тахририятдан иш топилди. Бош муҳаррир Миад Ҳакимовнинг қабулига кирдим. Салом-алиқандан сўнг Миад ака: "Эски ўзбек ёзувини билсанми?" Лотин грамматикасини-чи?", деб савол берди. Ростини — билмаслигимни айтдим. Ишга олишмади. Бор гапни устозга етказганим, Абдулла ака телефонида яна қўл чўзди. "Еш ленинчи" — (ҳозирги "Ёшлар овози") бош муҳарририга сизм қотди. Хайрият, ёшлар тахририятининг хатлар бўлимида мухбирлик штаби бор экан. Газета раҳбарига учрадим. Бош муҳаррир устозни жуда хурмат қилар экан, шу кунлик ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Хуллас, устоз Абдулла Орипов тавсиясига кўра, 1985 йилда "Еш ленинчи" газетаси тахририятининг хатлар бўлимида дастлабки иш фаолиятимни бошладим. Ҳозирги "Матбуотчилар уйи"нинг 5-қаватида жойлашган ёшлар нашрида устоз журналист Абдуҳамид Фозиллов бошқарган хатлар бўлимида (у киши кейинчалик кўп йиллар "Қибрай садоси" газетасида бош муҳаррир лавозимида хизмат қилган, бугунги

кунда пенсияда) ишга тушиб, бу кўтлуг даргоҳ нақадар табарруқ маскан эканига чин дилдан амин бўлдим. Ҳамкасб оғаларим — бош муҳаррир ўринбосари Абдураҳим Абдуллаев, масъул котиб Фарруқ Раҳимов, бўлим мудири ва мухбирлар Сафар Остонов, Зиёвуддин Ортиқжўраев, Маҳкам Раҳмонов, Карим Раҳимов, Турғун Назаров, Сувоқул Рустам, Зайниддин Мамадалиев ҳамда мусаххич Қурбон Эшматовдек ажойиб инсонлар билан ҳамкору ҳамқандам бўлиб ишлаганимдан доимо фخرланиб юраман. Тахририятнинг ижодий ходимларидан — адабиёт ва санъат бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари — таниқли шoir ва публицистлар Муҳаммад Абдусаматова, Умида Абдуазимова, зукко шoir ва мутаржим (машҳур "Авесто" китобининг таржимони) Асқар Маҳкам, шoir ва журналист Шавкат Туроб, истеъдодли публицистлар Зайниддин Рихсиев, Исмоил Усмонов, Лола Соатова, Гулнора Мирзазоҳирова, фотомухбирлар Муҳаммад Амин (Алимурод Мамадаминов), Эркабой Ботиров сингари таниқли ижодкорлар газетанинг нуфузини ошириш учун заҳмат чекиб ишлар эдилар.

Назаримда, энг қўп ва машаққатли юмуш мен хизмат қиладиган хатлар бўлимида эди. Тасаввур қилинг, тахририятга бир кунда 7 колпача хат келиб тушар, биз уларни саралаб, махсус дафтарга қайд этиб, сўнг тегишли бўлимларга тарқатар эдик. Одамларни ўйлантираётган ташвиш ва муаммоларни дадил ёритгани, газетхонларнинг эътиборига тушиб, уларнинг кўнглига йўл топгани учун аксарият хатлар Сафар Остонов мудирик қилаётган спорт ва харбий-ватанпарварлик бўлимига тааллуқли бўларди.

Нимасини айтасиз, собиқ шўро тузуми даврида ҳамма жойда ечимини кутаётган чигал масалалар ошиб-тошиб ётарди. Шунинг учун ҳам кўпгина хатлар газетхонлар меҳрини қозониб улгурган, куюнчак журналист Сафар Остоновнинг шахсан ўзига аталган бўларди. Сафар ака хатларни синчиклаб ўқиб, мазмунига кўра саралаб, бир нечасини рўйхатдан ўтказиб, раҳбарият топшириғи билан хизмат сафарига жўнаб кетар ва аҳолини безовта қилаётган ўткир му-

ЎЗЛИК

ЖАДИДЛАР МЕРОСИ ТУРКИЯДА
ҲАМ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

Жади́д зиёлираимиз мумтоз адабиётимиз тарихини пухта билгани ҳолда, жаҳон адабиётидан ҳам яхши хабардор бўлганлар. Шарқ адабиёти, хусусан, турк, озарбайжон, татар адабиётини мунтазам қузатганлар. У ёқларда чоп этилаётган матбуот билан танишиб борганлар. Шулар таъсирида ўзлари ҳам журналлар нашр қилдира бошлади ("Тараққий", "Ойина", "Садойи Туркистон" ва бошқалар). Ҳар бир зиёли, ижодкор ўз маънавиятини юксалтириш учун жаҳон адабиётини ва санъатини кенгроқ ўрганишга ҳаракат қилиши табиий. Аммо жади́дларимиз жаҳон адабиётини теран ўрганиб, ўзбек адабиёти, санъатини ривожлантиришда андоза олишни ўйлаганлар. XX асрнинг биринчи чорағида адабиётимизда шакл ва мазмун жиҳатдан кескин бурилиш бўлгани бунинг мисоли. Жади́длар адабиётда сифат ўзгариши қилиб, адабиёт, таълим орқали халқни маърифатли қилиш, маънавиятини, маорифини юксалтириш учун ҳаракат қилдилар.

Мустамлака зулмидаги ўша йилларда ўзбек зиёлилари учун турк маданияти, адабиёти бир ёруғ туйнук эди. Жади́длар ижодида "Ватан", "миллат", "хуррият" мавзуларини буртиб (доминант) туришида турк, татар ижодкорларининг, матбуотнинг таъсири бўлгани шубҳасиз. Илим, маърифат орқали халқнинг кўзини очиб, жаҳолатдан қутулишни Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза ва бошқа илғор адибларимиз яхши ҳис қилганлар. Машҳур ёзувчимиз Абдулла Қодирий 1925 йил "Маориф ва ўқитувчи" журналининг 4-сонидagi "Туркия матбуоти" мақоласида бу ҳақда шундай ёзганди: "Биз ҳам айтаманки, бугун Шарқ олами, айниқса, янги турк дунёси ишқи мамнух, моҳи сиёҳларни ва уларнинг муҳаррирларини эмас, Яқд Камолларни, Робиндранат Тагорларни кўрмак устадилар... Рафиқ Халид, Холида Адиб, Яқд Камолнинг бугунги ҳаётини ва муҳитини ақси бўлган асарлари керакдир". Чунки турк адабиётда маърифатпарварлик Европа адабиётининг, кўпроқ француз адабиётининг таъсирида бирмунча илғари — XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганди. Фарб адабиёти таъсири сезила бошлаган даврни турк адабиётшунослари ўз навбатида учга бўладилар: Танзимот адабиёти, Адабиёти жадида, яъни жади́д адабиёти, XX юз йил адабиёти (жумҳурият эълон қилинганга қадар).

Турк матбуоти, айниқса, "Турк юрти" ва "Сарвати фунун" журна́ли Туркистонда машҳур бўлиб, бизнинг жади́дларимизни турк ва Европа адабиёти билан таништиришда ўрни муҳимдир. Қўқондаги Ҳамза музейида "Сарвати фунун" журналининг кўплаб сонлари ва Фўат Кўрулнинг асримиз бошида эълон қилинган "Турк адабиёти" китобининг сақланиши фикримиз далилидир. Матбуот, рус-турк урушида асир олинган ва Урта Осиёда сургунда ўқитувчилик қилган турк зобитлари, айниқса, тилинғ қилғилиги зиёлиларимизни турк маданияти ҳаёти билан таништиришнинг асосий омилларидан бўлган. Абдулҳамид Чўлпон Туркиядagi воқеаларга бағишлаб шеърлар, Товфик Фикрат сингари шoirлар ҳақида мақолалар ёзса, Абдурауф Фитрат, Ҳамза ва яна бир қанча ўзбеклар Истанбулда бирмунча вақт таҳсил олганлар. Ҳамза "Дорулвоизин"да ўқиган. Ҳамзанинг чет эллардаги ҳаёти ҳамзанавислар томонидан озми-кўпми ўрганилган. Измирда, Истанбулда бўлган Ҳамза турк тарихи, маданияти билан қизиққанлиги шубҳасиз. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг эпистолар мероси — хатлариди турк тилида ёзилган хатлар бўлиши билан бирга, Туркия ҳаётига оид маълумотлар ҳам бор. Ҳамзанинг 1919 йил 21 мартда Ҳамидхон афандига ёзган макту-

бининг орқа бетиди "Тальят афанди" ҳақидаги пёсаннинг режаси келтирилган. Тальят афанди 1908 йилнинг 3 июлидаги ёш турклар инқилобини амалга оширганлардан бири бўлиб, аср бошидаги Туркия сиёсий оламида таъсири кучли эди. Тальят афанди, Анвар пошшо, Жавод пошшо ёш турклар инқилобидан сўнг сиёсатдаги асосий арболардан эдилар. Бизнингча, Ҳамза Тальят афанди шахси мисолида, XX аср бошидаги Туркия ҳаёти ҳақида асар ёзмоқчи бўлган, аммо нима сабабандир амалга оширилмаган. Турк адабиёти, маданиятини яхши билган Ҳамзани Туркияди шoir сифатида қанчалик билишадиган? Ҳамза ҳаётлигида турк матбуотида асарлари эълон қилинганми-йўқми, бу биз учун ҳозирча номаълум. Собиқ шўролар вақтида эса, шoir асарлари турк тилида чоп этилган эмас (шўро шoirлари ҳақидаги бир манзума (антология) ни ҳисобга олмаганда). Истиқлолимиз шарофати тўғрисида Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий асарлари Туркияди нашр қилина бошладди. У ҳақида илмий мақолалар ёзилди ва ёзил япти. "Турк дунёси" адабий журналининг 1996 йилги 1-сониди фан доктори Темур Хўжаўғлининг "Замонавий ўзбек шеъри" номи илмий тадқиқоти эълон қилинган. Темур Хўжаўғли сўнги юз йиллик шеъриятимиз тарихини қуйдагича тасниф қилади:

1. Ўтиш даври (1860-1910): Чифатой шеъриятдан замонавий шеъриятга ўтиш.
2. Жади́д (англикчи) даври (1910-1930)
3. Совет даври (1930-1991)
4. Мустанқиллик даври (1992 йилдан сўнг)

Мақолада жади́д даврида ижод қилган шoirлар ҳақида сўз юритиларкан, Абдурауф Фитрат, Ҳамзаларнинг янги модерн шеър намуналарини яратганлиги алоҳида таъкидланади.

"Турк дунёси" журналининг ўша йилги 2-сониди ҳам профессор Иристой Қўчқортев ва туркиялик тадқиқотчи Ойнур Ўзинг Абдурауф Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ҳақидаги мақолалари ва асарларидан намуналар берилган. Бу мақолада Ҳамза шеърияти, драматургияси ҳақида имкони борича кенгроқ маълумот беришга ҳаракат қилинган. "Ким дониш бўлса", "Тасвирда", "Салом айтинг", "Ташбақа ва чаён" шеърлари илова қилиб берилган. Туркияди ўзбек шеъриятига оид биринчи антология 1988 йили Ҳирфон Анвар Насриддин ўғли тарафидан тайёрланди. "Ҳозирги Ўзбекистон шеърияти антологияси" номида Анқарада нашр қилинди. Бу мажмуада 50 нафар ўзбек шoirининг 98 та шеъри ўзбек тилида лотин алифбосида ва турк тилида қўш саҳифа қилиб берилган. Ан-

тология Ҳамза шеърлари билан бошланганлиги, айниқса, муҳимдир. Туркия матбуотида бу мажмуа ҳақида тақрирлар эълон қилинади, шу муносабат билан ўзбек шеърияти ҳақидаги фикрлар ўртага ташланади.

1997 йил 4-7 ноябрь кунлари Анқара шаҳрида бўлиб ўтган туркий халқларнинг халқро анжуманида бир неча ўзбек олимлари иштирок этдилар. Профессорлар — Лазиз Қайюмов, Беғали Қосимов, Умарали Норматов, камина ва яна икки киши. Хўсустан, профессор Лазиз Қайюмовнинг "Истиқлол ва Ҳамза" мавзусидаги маърузаси тингловчиларда Ҳамза ижодида янада қизиқиш уйғотган эди.

Туркияди нашр қилинаётган 30 жилдлик "Турк дунёси тарихи" китобида Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодида бағишланган махсус мақола ёзилди. Туркия телевидениесининг "Сомон йўли" дастурида Ҳамза ижодида бағишланган кўрсатувлар эфирга узатилди. Бугунги кунда Туркиянинг бир неча университетларида (Масалан, Истанбул университети, Анқарада Ҳамза университети) ўзбек тили ва адабиёти ўқитилмоқда. Ўзбек адабиёти дастурида Ҳамза ҳаёти ва ижодини алоҳида ўрганиш кўзда тутилган. Жади́дларимиздан Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ижодининг Туркияди ўрганилишидаги муҳим жиҳат Ҳамза ижодида, шoir шахсига "Яша шўронинг куйиши" (гарчи Ҳамза "Яша, Турон!" дея ёзган бўлса-да) сифатида эмас, аксинча, миллат учун, халқ учун кайғурган шoir: "Е миллат деб кўйида ўл, Ниҳоний, Е дунё деб миллатдан уз вафони" сатрларининг муаллифи сифатида қаралишидир. Келажакда шoirнинг алоҳида тўпламлари турк тилида нашр қилинишига, драмалари турк саҳнасида ўйналишига ишончимиз комил.

Ўтган йили, аниқроғи, 2023 йилнинг 11-12 декабрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Жади́длар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик" мавзусидаги халқро илмий конференция жади́д болларимиз меросини, шахсини ўрганишда янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуман XIX аср охири XX аср бошидаги жади́длар бошлаган "миллий уйғониш даври"нинг илмий ўрганилиши ва жади́д адибларимиз ижодини теран таҳлил қилишда янги чарашга ундайди. Шулардан келиб чиқиб, "Жади́длар ва жаҳон адабиёти" мавзусига янада кўпроқ эътибор қилишимиз жуда муҳимдир.

Алҳамбек А.ЛИМБЕКОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
профессори.

ЧИРОҒИ ЁНИҚ ҲАМКАСБЛАРИМ

Абдуҳамид ака мийғида кулди-да:

— Хўп, сизни ўзим "поддержка" қиламан, — деб қизди.

Эртаси кун ишга келиб, ўн дақиқалар ишлаган эдимки, "комсомол вожағи" Қурбон Эшматов яна ваҳима билан, ҳе йўқ, бе йўқ, салом-аликсиз хонамизга бостириб кирди. Кеча бўлиб бошлиғимизни бу "хавф"дан огоҳ этганим учунми, унчалик ҳайқимасдан бамайлихотир ўтирган эдим. Афсуски, хотиржамликка эрта берилган эканман. Қурбон ҳаммамизга (шоира Умида Абдуазимова ва Вазира Солиҳова деган қиз ҳам бизнинг бўлимида ишлар эди) қараб чиқди-да, бўлим мудирига қараб:

— Абдуҳамид ака, туринг ўрингиздан! — дейиши билан мудиригизни худди солдатлардай шахт билан ўрнидан турди. — Бу ходимингизни (мени ҳурматиб) контроль қилинг! Йўқса, сизнинг ҳам масалангизни ўртага қўямиз, — дея чиқиб кетди.

Мудиригиз "хўп-хўп" деганча қўлини кўксига қўйиб қолаверди (кейин маълум бўлишича, Қурбон Эшматов Абдуҳамид акага "шундай қилсангиз, бир эрийман", деган экан). Шундан сўнг муҳаррир муовини Абдураҳим Абдуллаев (раҳматли ажойиб йигит эди)нинг хонасига кирдим. Бўлим мудири Сафар Остонов билан гаплашиб турган экан. Бўлган воқеани оқизмай-тоқизмай айтдим. Гап орасида ариза ёзиб кетиш ниятида эканимни ҳам яширмадим.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, Қурбонга маоши кўпроқ, юмуши камроқ иш топганини айтиб: "Менинг ўринимга ўтиб ишлайверинг", дедим. У эса: "Шу ерда ишлайвер, жўра, кетсанг хафа бўламан, "просто" сен билан ҳазиллашганим", деди.

Қурбон Эшмат кўп ўтмай бўлимга ўтди. Қалами анча ўткирлашди, катта-катта мақолалар ёзиб, элга танила борди. Айниқса, ҳуқуқий мавзуда ёзган мақолалари газетхонларнинг эътиборига тушиб, унга арзи ҳўл қилувчилар сонини кундан-кунга орта бошлади. Ҳуқуқ мавзусида дадил ёза оладиган кам сонли журналистлар қаторидан қўл олди.

Кейинчалик бу табарруқ даргоҳда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Қўлман Очил, Аҳрор Аҳмедов, Норқолий Жалил, Қўчқор

Норқобил, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ёзувчи-публицист Тўлқин Ҳайит, шoir ва журналист Амирқул Карим, журналист-хуқуқшунос, истеъдодли шoir Сирожиддин Рауф, хоразмлик ёшулли, истеъдодли ижодкор Рўзимбой Ҳасан ва бошқа маҳоратли журналистлар фаолият олиб боришди.

Пировардида, айтмоқчиманки, ёшлар газетаси тахририяти ижодий жамоаси билан ҳамкору ҳамнафас бўлиб, қисқа муддат бўлса ҳам бақамти ишлаганимдан ҳамон фахр ҳиссини туюяман. Ҳар бир ижодий ходимнинг ўзига хос бекаткор хислати, савт-сумбати бор эди. Қалам-қас устозларимизнинг ўғитлари, панд-насиҳатлари тўғрисида камтарона хизматларимиз билан ижодкорлар сафига қўшилиб, шундай дорилон кунларга етиб келганимизга шукроналар қиламан.

Таниқли ижодкор дўстимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, зукко ёзувчи-публицист Тўлқин Ҳайит эзгу ишга қўл уриб, "Вақтдан ўзган одамлар" китобини нашр эттирди. Ушбу китобда ҳамкасбларимизнинг эссе-хотираларини ўқиб роҳатландим. Яқинда Алишер Навоий номидаги кутубхонада ана шу китобнинг тақдироти ҳам жуда чиройли ўтганидан кўнглим яради.

Ана шундай нури, завқли хотиралар ҳам инсонга бурмунча таскин беради. Газета тахририятининг аҳли ижодий жамоасида ўтган шавқли-шиддатли кунларимни ҳамон фахр ҳисси билан эслайман.

Йиллар... оқар сувдек ўтиб кетаверар экан. "Ёшлар газетаси"да ишлаган пайтларимни ўйласам, худди кечаги кундагидек туюлаверди. Аммо орадан 35-40 йилча вақт ўтиб кетди. Минг афсуски, юқорида тилга олган ҳамкасб-у устозларимиздан бугун кўпчилиги бандалик қилишган. Нетонги, Сафар Остонов ҳам, Асқар Маҳкам, Қурбон Эшмат, Сувоқул Рустамлар ҳам орамазда йўқ. Аммо уларнинг номи, ижоди, чироғини ёқиб ўтиришган аҳли оиласи, фарзандлари, изи бор. Ана шу таскин беради кишига.

Азамат СҮЮНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.


ОҒРИҚ

ПРОКУРОР ОТАЛАРНИ НЕГА ОҒОҲЛИККА ЧАҚИРДИ?

(Сирдарё вилоятида 12 нафар ўқувчи қиз она бўлган)

Халқимиз азалдан бирор гап ёки ҳикматни айтса билиб айтган, топиб айтган. Бугун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Улардан унумли ва самарали фойдаланмай илтимой иллатларга берилиб, уларнинг янада кўпайишига сабаб бўлаётганлар учун “Эшакнинг юки энгил бўлса, ётоқ бўлади” пурҳикмати мос келади.

Биз бу жиҳатни ёшларимизнинг аксарияти илм олишга кунт қилмаётганлигида, баъзи катталар эса “менга нима, сенга нима” қабилда иш тутаятганлигида кузатамиз. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят Мактабгача таълим ва мактаб таълими бошқармаси томонидан вилоятда мавжуд 314 та умумтаълим мактаби ўқувчиларининг оталари учун “ZOOM” платформаси орқали йиғилиш ўтказилди.



...ВИЛОЯТ мактабларида ҳафтасига 20 000 нафардан ортиқ ўқувчилар дарсларга қатнашмайди. Бу кўрсаткич бир кунда 3 200 нафардан ортиқни ташкил этса, 1 000 нафардан ортиғи сабабсиз. 87 нафар ўқувчи сурункали дарсларга қатнашмайди.

630 нафар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик содир этган.

Ушбу йиғилишда Сирдарё вилояти прокурори Савид Иматов томонидан берилган маълумотлар ҳар бир кишини янада сергакликка, оғоҳликка чақиради.

— Сирдарё вилоятида ўтган 2023 йил мобайнида ажрашган 1 500 нафардан ортиқ оиладан 1 000 нафардан ортиқ болалар ё отасиз ёки онасиз қолган;

77 нафар вояга етмаганлар орасида содир этилган жиноятларнинг 43 нафари мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган. Бу жиноятларнинг аксариятини ўғирлик, безорилик, тан жароҳати етказиш, одам ўлдириш ва бошқа жиноятлар ташкил этмоқда.

Вояга етмаганларнинг 630 нафари ҳуқуқбузарлик содир этган. Шундан 168 нафари тегишли хужжатларсиз автомобиль воситаларини бошқарган; 29 нафар ота-онага нисбатан оталик, оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш бўйича судга даъво аризаси киритилган;

вояга етмаган фарзандларига алимент тўлашдан бўйин товланган 459 нафар ота маъмурий ва 52 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўлмайдиган мажбурийятларни бажармаган 3837 нафар ота-она маъмурий жавобгарликка тортилган;

Назорат тадбирлари давомида, мактаб ўқувчилари ёнида 48 та совуқ қуроллар (!) мавжудлиги аниқланган.

Ўрганишлар жараёнида шу нарсга ойдинлашдики, вилоят мактабларида ҳафтасига 20 000 нафардан ортиқ ўқувчилар дарсларга қатнашмайди. Бу кўрсаткич бир кунда 3 200 нафардан ортиқни ташкил этса, 1 000 нафардан ортиғи сабабсиз. 87 нафар ўқувчи сурункали дарсларга қатнашмайди. 215 нафар ўқувчи девант хулққа эга. 24 нафар ўқувчи Миср давлатига диний таълим олиш учун кетган. 17 нафар вояга етмаганлар орасида суицид ҳолати содир этилган. 12 нафар ўқувчи қиз она бўлган. Уларнинг 2 нафари 9-синф, 10 нафари 10-синф ўқувчиларидир.

Бир миллионга яқин фуқароларга эга вилоятда вояга етмаганлар урта-сидда шунча жиноят, ҳуқуқбузарлик, номусга тегиш, суицид каби нохуш ҳолатлар бўлса. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 5 февраль кун “2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда айтиб ўтган эди.

Бу оғриқли масала юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, вазифаларни ўртага ташлаган эди.

— Сўров мактаб директоридан бўлаёпти, лекин Болалар масалалари бўйича миллий комиссияга маъсул ҳокимлар ҳар ҳафта битта мактабга бо-

риб, ўқувчиларнинг шароити ва тарбияси билан шуғулланмаяпти.

Шу муносабат билан мактаблардаги инспектор-психологлар штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилиши белгиланди...

Фарзанд тарбияси, таълими билан жиддий шуғулланиш бизга ота мерос эмасми? Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар сони, тури йилдан-йилга ошиб бораётганлиги жамиятимиз учун жиддий муаммодир. Ёки вояга етмаган мактаб ўқувчи қизларининг номусини топташ, уларнинг келажагига раҳна солишдек жирканч ҳолатнинг тобора кўпайиб бораётганлиги миллат учун ачинарли эмас, аянчли ҳолдир. Хали ҳам юқоридаги кўрсаткичлар аниқланган ҳолатлардир. Одамлардан истиҳола қилиб, эл-халқ нима дейди, деб яшириб, яшириниб юрганлар қанча?

Таълим-тарбия, маънавий ривожланиш фақат инсонга берилган улғун неъмат. Шу сабабдан яхшилик ва эзгулик жиҳатдан камолотга юз тутишда ёшларга тўри йўл кўрсатишимиз, намуна бўлишимиз лозим. Уларнинг таълими, тарбиясини бирламчи, асосий масала деб қарамас эканмиз, ҳар қанча чиранмайлик, кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖДА

ЛАЗЕР ҚУРОЛИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Буюк Британия узоқ масофага таъсир қиладиган “DragonFire” лазер йўналтирилган энергия қуроллини синовдан ўтказди. Бу ҳақда “GOV.UK” сайти хабар берди. Қайд этилишича, узоқ масофага етиб борадиган ўқори қуваатга эга илк лазер қуроли синов мамлакат мудофаа вазирлигининг Портон-Даундаги мудофаа илмий-технологик лабораториясида амалга оширилган.

Аввалроқ мутахассислар жамоаси лазернинг нишонни юқори аниқликда кузатиб бориш ва нуруни белгиланган нуктада ушлаб туриш имкониятларини синовдан ўтказган эди. Бу галги синовда “DragonFire” лазер қуроллининг турли масофадан туриб, бирийўла бир нечта нишонларни йўқ қилиши синаб кўрилган.

Лазер йўналтирилган энергия қуроли кам харажатли ҳамда юқори аниқликда нишонни йўқ қилиш имконини беради. У энгил бўлгани учун олиб юриш осон ва бошқа тизимдаги қуроллардан юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Бундай технология келажақда ҳарбий амалиётларни амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, дейилди хабарда.



ДАНИЯ АРТИЛЛЕРИЯСИНИ ТОПШИРМОҚЧИ

Дания ўзининг барча артиллериясини Украинага топширади, чунки ўзи ундан фойдаланмайди. Бу ҳақда Дания Бош вазир Метте Фредериксен маълум қилди.

“Дания ўзининг барча артиллериясини Украинага ўтказишга қарор қилди”, деган сўбатчи 60 - М ю н х е н Хавфсизлик конференциясида. Унинг сўзларига кўра, Европада ҳали ишлатилмаётган ҳарбий техника, жумладан, қурол-яроғ, ўқ-дорилар ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари мавжуд. Бош вазир давлатларни бундай қуролларини Украинага топширишга чакирди.

“Шанба куну бу уруш бошланганига икки йил тўлар экан, биз Украина кўпроқ юқларни олишига ишонч қилишимиз керак”, деган Дания ҳукумати раҳбари. Фредериксеннинг аниқлик киритишича, у Киевни ўқ-дорилар, артиллерия, узоқ масофага унуччи ракетадан, учувчисиз самолётлар ва F-16 кирувчи самолётлари билан таъминлаш учун коалиция доирасидаги кўмакнинг кучайишини назарда тутган.

ЖАЗОИР БМТга РЕЗОЛЮЦИЯ КИРИТДИ

Жазоир БМТ Хавфсизлик Кенгашига Ҳазо секториди зудлик билан ўт очишни тўхтатишга чақирувчи резолюция лойиҳасини тақдим этди. Бу ҳақда Жазоир давлат телевидениеси хабар берди.

Айтилишича, ҳужжат Хавфсизлик кенгашида овозга қўйилди. Бироқ Қўшма Штатлар Жазоирнинг ташаббусига қарши чиқмоқда. АҚШнинг БМТдаги элчиси Линда Томас-Гринфилд Жазоир резолюцияси лойиҳаси “қабул қилинмаслигини” айтган. Дипломат Вашингтон лойиҳани рад этиш учун вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигига шана қилган.



БАНГЛАДЕШ РАҲБАРИНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Бангладеш Бош вазир Шайх Ҳасина Мюнхен хавфсизлик конференциясида дунё етакчиларини бемаъни қуролланиш пойгасига чек қўйишга ва ресурсларни иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашишга йўналтиришга чақирди. Бу ҳақда у конференциянинг иқлимни молиялаштириш бўйича панел муҳокамаси чоғида сўз очган.

“Маъноси кўролланиш пойгасини тўхтатиш ва ресурсларни жуда зарур бўлган иқлим фондига йўналтириш керак. Шунинг билан бирга, инсониятнинг мавжудлиги хавф остида қолганда, тор манфаатларга интилиш бизни ҳеч қарга олиб бормади”, деган Бош вазир.

Январь ойида бўлиб ўтган умумий сайловда ғалаба қозонганидан кейин биринчи расмий хорижий сафарини амалга оширган Бангладеш Бош вазир иқлим ўзгаришини юмшатиш учун халқаро иқлим молиясининг жорий ҳолатини сезиларли даражада ошириш зарурлигини қўшимча қилган.



НАТО РОССИЯДАН КУЧЛИМИ?

Бу ҳақда альянс бош қотиби Йенс Столтенберг Мюнхен хавфсизлик конференциясида сўз очди.

“НАТО дунёдаги энг йирик ҳарбий кучдир. Ташкилот глобал кудратнинг қарийб ярмини ифодалайди ва ҳарбий жиҳатдан биз Россиядан кучлироқми”, деган у. Шунга қарамай, ташкилот айти пайтда ҳарбий захиралар билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда.

“Аммо шу билан бирга, Украинадаги уруш аниқ муаммолар мавжудлигини кўрсатди: жанговар ҳаракатларни давом эттириш учун эҳтиёт қисмлар, техник хизмат кўрсатиш ва ўқ-дорилар керак. Украинада уруш бошланганидан бери биз захираларимизни тугатдик. Биз зудлик билан ишлаб чиқариш ҳажминини оширяпмиз”, деган Столтенберг.



Интернет маълумотлари асосида Ислам ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ТАҚДИРЛАР

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

1977 йилнинг баҳори Боевутга ҳам гуркираб кириб келди. Кўклам қир-адирларга лолақизгалдоқлардан алвон гилам тўшади. Ишқомларга бўй қизларнинг соҳидек текис таралган ток новдаларига суқланиб қараб турган Ўсканнинг хаёлини дафъатан ҳовлига кириб келган машинанинг сигнали бўлиб юборди. Туман ҳарбий комиссариатининг мошрани “Виллис”идан таниш шофёр йиғит чаққон тушиди-да, ёнлама эшикни очибга чоғланди. Ичкаридан европача кийинган ўрта яшар жувон бўйлади. Ўсканнинг кўнгли бир нарсани сезганди, юраги бежо патирлаб ура бошлади. Рўпарасида қаерларидир ўзига ўхшаб кетадиган жувон кучоқларини очганча унга томон талпинди.

— Отажон! Мен сизнинг қизингиз Люда Ўскановна Шпагина бўламан. Чорак асрдан буён сизнинг дийдорингизни кўриш умидида тонглари шомларга улайман. Онам ҳар доим сиз ҳақингизда оғиз тўлдириб гапириб беради. Турмушга чиқиб, икки фарзандли бўлдим. Афсус, тўйида бош бўлиб ўзингиз оқ фотиҳа беролмадингиз. Онамдан манзилингизни олиб, “Ўзбекистон, қайдасан?” дея йўлга тушдим. Аввалги яшаш жойингиз — Зомининг Алчи қишлоғига бордим. Чўлга кўчиб тушган экансиз. Ҳарбий комиссариатдаги

лар яшаш манзилингизни топиб беришди. Ахир, “Излаган одам Москвани ҳам топади”, деган гап беҳиз айтилмаган-да. Люда хурсандчиликдан лаби лабига тегмай бидирларди. Ўсканнинг хаёлидан беихтиёр олис оловли уруш йиллари ўтди. 1943 йилнинг кузида 20 яшар Ўскан Ҳожиманов Обручев (Жиззах вилоятидаги хозирги Даштотоб шахри) станциясидан урушга жўнаганди. Бир ой ҳарбий тайёргарликдан ўтган марказий осиелик йиғитларни уруш олови гуриллаб ёниб турган Москва остонасига ташлашди. Ўскан Ҳожиманов 2-Белоруссия фронтининг 555-пулемётчилар полкида жангга кирди. Польша ва Германия чегарасидаги Одер дарёсини кечиб ўтишдаги қонли жангларда жасорат кўрсатди. Еру осмон кирувчи самолётлар ташлаган бомбаларнинг портлаши, автомат ва пулемётларнинг пайдар-пай тариллашидан ларзага келарди. Жанггоҳда бамисоли қиёмат кўлганди. Тупроқнинг тўзишидан дарё суви қорамтир тусга кирди. Ўсканга сафдоши Володя билан бирга соғда дарёдан сузиб ўтиб, аскарлар жанг қилаётган чегарага байроқ қадаш жанговар топшириғи берилди. Бу муҳим вазифани икковлон аъло дара-

жада удаллашди. Ўшанда рота командири: — Олди аскар Ҳожиманов! Сен ҳақиқий жангчининг ишини қилдинг! Жасоратинг учун орденга тақдим этиласан! — деди дўстларча кучоқлаб. Афсуски, урушда туш пайтидаги гап шомга тўғри келмас экан. Қоронгиталаш маҳал дайди ўқ рота командирини халок қилди. Душман снайперининг ўқи миясининг қатигини чиқариб юборганди. Ҳожиманов эса давлат мукофотидан қуруқ қолди. Кёнигсберг шахрини озод қилиш учун бўлган жангларда Ўскан Ҳожиманов чап оёғидан яранди. Душман ўқи болдирини тешиб ўтган, эти осилиб, суяги очилиб қолганди. Ярадор аскарни Ярославль области Рибинск шаҳридаги госпиталга жўнатишди. Урушнинг охири кўриниб қолганди. Ҳа-лаба муждасини ярадорлар госпиталда эшитишди. Ўскан ўзини тугулмай хўнграб йиғлаб юборди. Ўсканнинг жароҳати битиш қийин кечди. Нақ бир ярим йил госпиталда даволанди. Шу ерда мовий кўзли ўрис қизи — ҳамшира Зоя Васильевна билан юлдузи юлдузига мос келиб қолди. Мехр-мухаббат дардинг энди. Ўскан Зоя Васильевнага суянганча госпитал ҳовлисида сайр қиладиган бўлди. Дил розлари тилга чиқди. Икки ёш ахду паймон қилиб Рибинскда никоҳдан ўтишди. Беш-олти қариндошни йиғиб тўйчиқ қилиб беришди. Уруш тугагандан кейин ҳам беш йил Ярославль областида қолиб кетди. 1950 йилнинг 28 май куну Ўскан рафиқаси Зоя Васильевна билан она қишлоғи Аччиға кириб келди. Баҳор охирида, ўт-уланлар қовжирай бошлаган пайтлар эди. Она юрт соғинчи уни бутунлай масту мустағрик этганди. Қишлоқлар ҳувиллаб қолган. Ош — авлиё, нон — пайгамбар замонлар эди. Барча қорин қайғусида бўзчининг моқисиди у ёқдан бу ёққа чопгани-чопган эди. Гувала уйда бекорчиликдан қафасдаги қушдай қисилиб қолган Зоя Васильевна охири турмуш ўртоғига ёрилди.

— Ускан, мен юртимга қайтиб кетаман. Бу ердаги об-ҳавога мослашолмадим. Севсанг, ортимдан излаб бор. Эшигимиз сен учун очик, — дея эски жомадонини кўтарганча хайр-хўшлашди. Шу тарика севган аёли тўрт-беш ойлик гумонаси билан юртига кетди-борди. Лекин орадан қарийб 30 йил ўтиб, 1977 йилга келиб нуридийдааси йўқлаб келиб ўтирибди. Ўшанда “2-Боевут” хўжалигида “Ўсканнинг Ўрусиядан қизи келибди”, деган хабар тумовдан ҳам

тез тарқаб кетди. Қариндош-уруғ, таниш-билиш, қўни-қўшни қўтлуғ бўлсинга гурас-гурас кела бошлашди. Меҳмоннинг оёғи остига жонлиқ сўйилди. Элга ош тортилди. Эртасига ота-бола тонг отгунча ухламай суҳбатлашиб чиқди. Рибинскда Зоя билан кечган дамларини эслади. Люда бир ой (меҳнат таътили пайти) ота уйида меҳмон бўлди. Ака-ука, опа-сингиллар билан апок-чапоқ бўлиб кетди. Хайрлашув онлари оғир кечди. Қариндошлар Люда Шпагинани Гулистон вокзалидан кузатишди. — Отажон, ака-укаларим, опа-сингилларимни Рибинскка олиб боринг. Сизларни интизорлик билан кутаман! — дея рўмолчасини силкитди у. По-езд юриши билан рўмолча кўз ёшларидан ҳўл бўлиб ҳилпирамай қолди. Қўзғалаётган поезд Ўсканнинг юрагидан бир парчасини олиб кетгандай бўлди. Фарзанд фарзанд экан-да! Қарангки, ўшанда орадан олти ой ўтиб, Ўскан бобо қўни-қўнжи тўлиб Ярославлга йўл олди. Жанг қилган жойларини зиёратлади. Қизи, набираларини тўйиб-тўйиб хидлади. ...Ўтган асрнинг 50-йилларида Ўскан Ҳожиманов бир гуруҳ ҳамқишлоқлари билан чўлга кўчиб тушди. Ўшанда “2-Боевут” совхозни ерлари эндигина ўзлаштирилаётган қўриқ эди. Хўжаликка Ўзбекистон Компартияси Марказкумининг собиқ сарқотиби Усмон ота Юсупов директор этиб тайинланганди. Отанинг имдоди билан шофёрликка ўқиди. Касбли-қорли бўлди. 28 йил мутасил ҳайдовчилик қилди. Турли русумдаги машиналарни бошқарди. Азбаройи камтарлигидан пенсияга чиққунча хўжаликдагилар унинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эканлигини билишмади. Сабаби, Ўскан Ҳожиманов бирор марта бу ҳақда сўз очмади. Уша кезлари кўксига орден-медалларни тақиб юрадиган уруш фахрийлари ҳам кўп эди-да. 1952 йилда Ўскан янги рўзгор қилди: ҳамқишлоғи Новвотойга уйланди. Тинч-тотув яшаб, 10 нафар фарзанд кўрди. 70 йил бир-бирига суяниб, умргузаронлик қилишди. Набирау чеваралар сони юз нафарни қоралаб бормоқда. Ўтган йили завжаси бандаликни бажо келтирди. Орадан йиллар ўтди. Ўскан бобо 100 ёшни қарши олди. Ўтган йилнинг 14 декабрь куну шу муносабат билан Боевут тумани “2-Боевут” хўжалигидаги “Файз” тўйхонаси вилоят ва туман раҳбарлари, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими



ҳамда Усмон Юсупов номли маҳалла фаоллари, қўни-қўшиллар, қариндош-уруғлар, фарзандлар, набирало чеваралар билан тўлиб кетди. Отажонга вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиевнинг табрик хати ўқиб эшиттирилди, қимматбахо эсдалик совғаси топширилди. Боевут тумани ҳокими, сенатор Дилфуза Уралова дил сўзларини изхор қилди. Уруш ва меҳнат фахрийси Ўскан бобо Ҳожиманов ўзининг бир асрлик тўйини нишонлади. Қўксини “1941-1945 йиллардаги Улғу Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали, Ғалабанинг 20, 30, 40, 50, 60, 65, 70, 75 йилликлари муносабати билан таъсис этилган эсдалик медаллари, 1 даражали “Меҳнат фахрийси” кўрак нишонни беэаб турган отахон Усмон умридан ризолик туйди. Нега суюнмасин, Сирдарё вилоятида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийлар атиги 3 нафар қолибди. Яратган эгам унга узоқ умр ато этганидан тили шукроналиқдан бўшамайди. Юртдоши, боевутлик Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева ёзганларидек: “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”. Дарҳақиқат, Яратганинг инояти билан бир асрлик умр йўлини бошдан кечирган юртдошимиз Ў.Ҳожиманов ҳаётда не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади, деҳсиз. Уруш азобларини кўрди. Аммо ҳаётдан ҳеч қачон нолимади, ҳамиса халол меҳнат қилиб яшайди. Айни кунларда Ўскан бобо табарруқ 101 ёшани қарши олмақда. Албатта, бундай улғу ёш ҳаммага ҳам nasib етавермайди. Шундай. Ҳаёт ҳикматларга тўла деганлари беҳиз эмас-да!

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



Ўскан Ҳожиманов қизи Люда Ўскановна Шпагина билан. 1978 йил.

ТАЪЛИМ

ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ



Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва жамиятни демократик ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, халқимиз ҳаётининг гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони мисолида айтиш мумкин.

Мазкур Фармон билан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди. Ҳужжатда барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби асосий ғоялар акс этган.



олий таълим қамровини кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, фундаментал тадқиқотларни замон талабларидан келиб чиқиб, янги йўналишлар билан бойитиш, иқтисодиётнинг энг тез ўсиб бораётган йўналишларида амалий тадқиқотларни кучайтириш, “корхона — олийгоҳ — илмий ташкилот” кластер тизимини жорий этиш, ёш тадқиқотчиларнинг улушини ошириш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш, барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашга доир мақсадлар олға сурилган.

Яъни, 30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқро аккредитациядан ўтказиш, “Топ-500”га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида “икки дипломли тизим”ни жорий этиш, 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли “Топ-1000” олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш; олий таълим муасса-

Халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўйга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорлиқни кафолатли таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди.

Давлат дастури лойиҳаси куйидаги 7 та блокдан иборат бўлиб, улар 100 та мақсадни ўз ичига олади: ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар; Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ислохотлар, стратегиянинг ижтимоий сиёсат йўналишидаги ислохотлар, стратегиянинг иқтисодиёт йўналишидаги ислохотлар, стратегиянинг сув ресурсларини тежаш ва экология йўналишидаги ислохотлар, стратегиянинг давлат бошқаруви ва судхуқуқ йўналишидаги ислохотлар, Стратегиянинг хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишидаги ислохотлар.

Ушбу дастурнинг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўйга чиқариши учун муносиб шaroитларни яратиш” йўналишидаги “Таълим тизими ислохотлари” бандига кўра, профессионал таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш,

саларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш, 5 та олий таълим муассасасини миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантириш, қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли та-

лабалар турар-жойларини қуриш сингари олий таълим соҳасида жуда кўплаб устувор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Айни пайтда ана шу асосий ғоя ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, стратегиянинг “халқро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш” ғоясига мос равишда Урганч давлат университетида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2023-2024 ўқув йилида Урганч дав-



лат университетида 97 та кундузги, 33 та сиртки, 1 та масофавий таълим йўналишлари ва 37 та магистратура мутахассисликларида жами 30 минг нафарга яқин талаба таҳсил олмақда.

Хоразм вилоятидаги кадрларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб, 27 та янги таълим йўналиши ва 4 та янги магистратура мутахассисликлари очилди.

Урганч давлат университетида молия-

нишда қабул қилувчи электрон портал яратилиб, ишга туширилди.

2023 йилда 36 та дарслик, 45 та ўқув қўлланма, 107 та ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, нашр қилинди.

Ҳозирда университетда 34 нафар фан доктори ва 288 нафар фан номзоди фаолият кўрсатиб, илмий салоҳият 32,3 фоизни ташкил қилади. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида 938 та илмий мақола (159 та “Scopus”, 54 та “WoC” базаларига кирган ва 311 та халқро илмий-техник журналларда), 57

ларида 37 нафари голиб ва совриндор бўлди.

Университет ёшлари юртимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган спортнинг 15 тури бўйича “Универсиада” спорт мусобақаларининг республика финал босқичида умумжамоа ҳисобида фахрли 2-ўринни қўлга киритдилар. Айнан ушбу “Универсиада” спорт мусобақаларида талабаларимиз футбол, волейбол, регби ҳамда дзюдо бўйича чемпионлиқни қўлга киритганини эътироф этишимиз жоиз.

Шунингдек, “Беш ташаббус олимпиадаси” спорт мусобақаларининг республика финал босқичида университетимиз жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллади.

Урганч давлат университетида Мунаввара Салаева ҳамда Мухтор Саидов номидаги, шунингдек, “Ректор стипендияси” ва университет Касаба уюшмаси стипендиялари жорий этилиб, талабалар танлов асосида ишчи гуруҳ томонидан аниқланди. Шунингдек, жорий ўқув йилида университетдан 22 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда номдор давлат стипендияларини қўлга киритди.

Китобхонлик маданиятини ошириш, талабаларда китоб мутолаа қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Навийхон талаба”, “Шеърят шоҳсу-



паси”, “Китобхон талаба”, “Ёш нотиклар” кўрик-танловлари ҳар ойда ўтказиб келинади.

Айни дамда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад — мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда халқнинг, айниқса, ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва билимли авлодни вояга етказишга қаратилган эзгу вазифани изчил амалга оширишдан иборат.

Дилшад ИБАДУЛЛАЕВ,

Урганч давлат университетининг ёшлар масаласи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори.



ШЕЪРИЯТ

Дардларинг гардини элагим келди

Юсуф ЗИЁД



Муаллиф ҳақида:

Юсуф ЗИЁД — 1965 йили Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғида туғилган. 1990 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетини битирган. Айни пайтда “Насаф” нашриёти муҳаррири сифатида меҳнат қилмоқда. Шoirнинг “Меҳрингга ташнаман” (2012), “Рухият манзаралари” (2014) шеърӣ китоблари, “Кун ва тун” (2018) номли шеърлар, ҳикоялар ва мақолалар, “Қаноатнинг қаноти” (2022) бадиалар тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ОТА

Замона ўзгарди, замон ўзгарди,
Ғарбу Шарқ турфа хил томон ўзгарди,
Яхшилар ўзгарди, ёмон ўзгарди,
Кимнингдир наздида ўзгаман, ота,
Ўғил бўлиб қолай сизга ман, ота.

Мен ҳамон боламан, гўдак ёшдаман,
Бағримда турфа гул, бошим тошдаман,
Отажон, мен энди бошқа-бошқаман,
Ўзимдан ўзимни топмайин, ота,
Келинг, бир кучоқлаб ётайин, ота.

Бошнинг тошдан қаттиқ эканин билдим,
Гул тудди, санчилган тиканин билдим.
Дард не-не қадларни букканин билдим,
Айтинг, қадрингизни билдимми, ота?
Фарзанддай сизни шод қилдимми, ота?

Чинорман дедим мен, хассан дедилар,
Ғариблар ичра бир кассан дедилар.
Отанг йўқ, сен энди пастан дедилар,
Чинорлар ичида хасманми, ота?
Наҳот сиз йўқсиз, мен пастманми, ота?

Ҳақсизликка чидаш ор деб яшадим,
Бу олам кўксимга тор деб яшадим,
Отам вужудимда бор деб яшадим,
Виждоним, номусим, оримсиз — ота,
Қалбимда барҳаёт боримсиз — ота.

Ҳамон қулоғимда ҳар бир сўзингиз,
То маҳшар... оқлайин нону тузингиз,
Лойсувоқ уйимда бармоқ изингиз,
Уйимнинг тўрида турибсиз, ота,
Мен борман, мен билан юрибсиз, ота.

ЭРТАК

Қадим юртда шундай замон бўлган эмиш,
Одамлари завқу шавққа тўлган эмиш.

Сўзлар ширин, тилларидан томармиш бол,
Осмонидан ёғар эмиш бахту иқбол.

Ҳикмат эмиш дониш аҳлин айтганлари,
Сулув эмиш ёсуману жодугари.

Ошиқлари ой сатҳида кезар эмиш,
Хусни билан у оламни безар эмиш.

Адолату инсоф эмиш тарозиси,
Виждон эмиш, имон эмиш юрт қозиси.

Нафрат нима, ғазаб нима, билмас эмиш,
Бир-бирига сира ҳасад қилмас эмиш.

Ногаҳонда кўк юзидан қора қуюн
Тушган эмиш ўшал юртга қилиб ўйин.

Юракларга кириб унинг қора доғи,
Фатҳ этибди барча дилни ўшал чоғи.

Бирдан юртда бошланибди жабр, зулм,
Ҳар бурчақда разолату уруш, ўлим.

Хузур топмиш одамлари хиёнатдан,
Дарак бериб гўё охир қиёматдан.

Қалбларини эгаллабди адоват, кин,
Яшабдилар эзулиқдан топмай таскин.

Унутганмиш бирдан улар кимлигини,
Олам аро кимлар билан тенглигини.

Билмам, қачон у замонлар бўлиб ўтган,
Фақатгина битикларда қолиб кетган.

Ўқиб билдим ботини-ю зоҳирини,
Айтолмайман бу эртанинг охирини...

ХОЛИС НИЯТ

(Тиббиёт фанлари доктори, профессор,
истеъодли ижодкор
Жуманазар БЕКНАЗАРОВга)

Қайноқ меҳр, уйғоқ шуур, шижоат билан,
Қалб кўрини юракларга улашолган зот.
Тиб илмида заҳмат, сабот, матонат билан,
Дардли диллар иморатин айламиш обод.

Ёниқ нигоҳ билан боқмиш ёруғ оламга,
Доим эзгу бўлган унинг дилда нияти.
Хузурга борган борки, ҳар бир одамга,
Энг аввало шифо унинг самимияти.

Рухиятни устун қўймиш вужуддан доим,
Зеро, вужуд бир жисмдир туйғудан холи.
Дилда меҳр бўлса, яна сўзлар мулоим,
Биладики, яхшилангай бемор аҳволи.

Атрофига боқмиш илму тафаккур ила,
Дунё отлиғ чўнг бир улкан, ҳадсиз бинодан.
Татбиқ этмиш беморларга ташаккур ила,
Ўрганганин Ар-Розий-у ибн Синодан.

Тибда унинг хизматларин мақоми юксак,
Тангри севган бандасини яратмиш бекам.
У кишини моҳир жарроҳ, шифокор десак,
Истеъдоди бекиёсдир сўз мулкида ҳам.

Ашъориди эзулиқнинг тимсоли тенгсиз,
Разолату жаҳолатнинг ранги қорадир.
Олим, шоир... балки уни бахтиёр дерсиз,
Ҳақсизликнинг қаршисида бағри порадир.

“Туйғуларнинг зиёси”да улкан дард кезиб,
Баъзан тортар ўз қаърига “Орзу уммонни”.
“Донишмандлар айтолмагай сўзларни тизиб”¹,
Жаҳолатнинг шарпалари кезса дунёни.

Ох, қанийди, бутун олам бўлса бокира,
Барҳам топса дилдан ғараз, хусумат буткул.
Хаста бўлса тана, унга топилгай чора,
Сўқир қалбга даво топмоқ чораси мушкул.

О, у “Иллар силсиласи” залворли бирам,
Дунё мубҳам жавоб топмас саволи билан.
Бемор қалблар шифосига тополмай малҳам,
Ёлғиз суҳбат қураб баъзан хаёли билан.

Яшар доим Ҳақ тарафда нурга интилиб,
Таратмоқчи бўлар эзгу қалб зиёсини.
Сўз сеҳри-ла даволашни кашфиёт қилиб,
Лол қолдирмиш Оврўпо-ю Осиёсини.

Баъзан ғашлик уйғотганда бетизгин ўйлар,
Ўз бағрига чорлар яна назм бўстони.

Миттигина юлдуз бўлиб оламга бўйлар,
Қалб кўридан барпо бўлган “Қамай достони”.

Бир тарафдан ҳурматли зот, олим камида,
Доим элнинг ардоғида ҳақиму табиб.
Бир тарафдан дард чекади элнинг ғамида,
Шoир дардин юкламишдир қалбига Ҳабиб...

Рухда иллат бўлса магар, вужудни ейди,
Холис қилмоқ керак дейди дилда ниятни.
Вужуд соғлом, руҳият ҳам ҳур бўлсин дейди,
Бахтли кўрсам дейди доим инсониятни.

¹Жуманазар Бекназаров китобларининг номи.
²Жуманазар Бекназаров сатри.

Бугун,
Осмон тунд, гулларда ифдор йўқ,
Кўёшнинг юзи ҳам қорайган.
Бугун
Оқшом бор, хуфтон бор, наҳор йўқ,
Дунё ҳам бирмунча торайган.

Бугун,
Судралган вақт ҳам ўтмайди,
Соатнинг миллари чўзилган.
Бугун,
Биламан бир иқбол кутмайди,
Фурсатнинг оёғи узилган.

Бугун,
Ҳаттоки додлашга ноглам йўқ,
Аламлар ўтмоқда жонимдан.
Бугун,
Осмон йўқ, кўёш йўқ, олам йўқ,
Чунки сен йўқсан ёнимда.

ОВУНЧ

Унутмоқ ўлимдир, эсламоқ азоб,
Ширин хотиралар юки ҳам оғир.
Эсласам соғинчдан қуяди офтоб,
Унутсам, о, даҳшат юрагим оғир.

Сен мени эслама, ойдин йўлни кут,
Дардларинг гардини элагим келди.

шеърни ўзбек ўқувчиси учун шарҳлаб бериш
ниятидаман.

— *Фарзандларингиз қайси тилда ва қа-
ерларда ўқишади?*

— Тўнғич фарзандимиз — Севинч Монре-
алдаги Конкордия университети санъат фа-
культетида инглиз тилида таҳсил олади. Уни
она юртимиз — Ўзбекистонга турмушга узат-
ганмиз. Иккинчи фарзандим — Чингиз онаси-
нинг касбини танлади, яъни Квебекдаги Шер-

кўрмай ўлиб кетади”, қабилида ёзади. Бу ал-
батта XIX аср охири — XX аср бошидаги гап.
Аммо яхши эслаймак, ҳатто бизнинг болалик
йилларимизда ҳам, агар кимдир қўшни қи-
шлоққа қиз берса, “узоққа турмушга бердик”,
“мусофир бўлиб кетди” каби гаплар қулоққа ча-
линарди. Бугун эса бир мамлакатда туғилиб,
бошқа бир мамлакатда таълим олиб, бош-
қа бир мамлакатда яшаш, ишлаш оддий ҳо-
латга айланди. Минглаб юртдошларимиз Аме-
рика қитъасида яшайди, миллионлаб ўзбеклар

ўзбекларнинг бошини қовуштириш, тадбирлар
уюштириш каби ишларни баҳоли қудрат бажа-
риб келятган.

— *Абдувоҳид ака, албатта, Ўзбекис-
тонга келганингизда дўст-яқинлар давраси-
да Канада ҳақида озми-кўпми савол-жа-
воблар бўлса керак. Ҳудди шундай, кана-
далиқларнинг юртимиз ва одамларимиз
ҳақидаги фикрлари қандай?*

Дейлик, 2016 йилгача хорижда яшайдиган
барча юртдошларимиз учун Ўзбекис-
тонга келиб-қетиш бир азоб эди. Жуда кўп
бюрократик тўсиқлар, сивовлар аэропорт-
дан бошланиб, аэропортда тугарди. Ал-
батта, бу нарсалар кўпчиликка маълум,
уларни бугун эслашга ҳам ҳожат қолмаган.
Бундан бошқа ҳам кўп яхши ишларнинг
гувоҳи бўлдим. Фақат шу галги келишимда
Тошкентда ҳавонинг ниҳоятда ифлослан-
ганини, аввалги Тошкентга зеб бериб, ҳаво
бериб турган осмонўпар чинорлар ўрнида
кўплаб арчасимон дарахтлар экилгани-
нинг гувоҳи бўлдим. Билмадим, кўзимга
улар шаҳарда ўзларини худди бегона ҳис
қилаётгандай туюлди. Баъзилари бутун-
лай қовжираб қолган, улкан чинорлар фо-
нида қимтиниб турибди. Монреалда, уму-
ман, Канадада ҳаво ниҳоятда тоза бўлгани
учун ҳам менга ҳавонинг ифлослангани
яққол сезилди. Ўтган йили келганимда бун-
дай эмасди. Бу гал Тошкент ҳавоси ҳатто
нафас олишимда қийинчилик тудирди. На-
фас олсанг, димоққа чала ёнган тутун ҳиди
урилади, ўпканг тўлиб нафас ололмайсан.
Канадада экологик фожиалар у қадар се-
зилмайди, чунки экологияга жиддий эъти-
бор берилади. Хусусан, Канада парламен-
тида ҳам Яшил партия депутатлари сони
ошиб бормоқда. Ўзбекистондаги экологик
фожиаларни ҳам тезликда бартаф этиш
ҳукумат учун энг долзарб масала эканини
ҳис қилдим.

— *Сиз ижод соҳасидан чиққан одамсиз.
Озми-кўпми бугунги адабий жараёнларни
кузатиб бораётган бўлсангиз керак, ал-
батта. Нима дея оласиз бу ҳақда? Ижти-
моий тармоқларда сиз ўтказиб ю-
борини хоҳламайдиган ижодкорлар ким-
лар?*

— Албатта, ижтимоий тармоқлар орқали
бугунги ўзбек ижодкорларининг янги шеър-
лари, асарларидан баҳрамандман. Мус-
тақилликдан кейин адабиётда бироз турғун-
лик даври бўлган эди, лекин 2010 йиллар-
дан бошлаб адабиётга янги бир авлод кириб
келди. Бу ерда ижодкорларни номма-ном са-
намоқчи эмасман. Ишонманки, улар ўзбек
адабиётининг бугунини яратишяпти. Улардан
олдинги авлодлар вакиллари ҳам ижоддан
тўхтагани йўқ. Адабий майдонда жуда катта
жонланиш бор. Бу ўринда, эҳтимол, уларнинг
савияси ҳам муҳим эмас. Энг муҳими, улар
ўзбек адабиётига, адабий муҳитига тириклик
бахш этишяпти ва улар воситасида адабиёт
яшаяпти.

— *Келажақда йиллардаги режаларингиз
қандай? Ватанга қайтиш ниятингиз
борми?*

— Келажақда тил бўйича тадқиқотларни
давом эттиришни хоҳлайман. Ёзганларимни
китоб шаклида нашр этишни ҳам уйлаяпман.
Яна Ўзбекистонда нисбатан кўпроқ бўламан,
деб ният қиламан. Лекин бутунлай қайтиш
режам йўқ. Чунки, ўзингиз биласиз, фарзанд-
лар қаерда бўлса, ота-она ҳам ўша ерда. Бо-
лалар энди Монреалда катта бўлишди, шу
ерда илдилашди-да. Нима ҳам дея оламан,
насибамиз Канадада экан...

Муҳайё ПИРНАФАСОВА
суҳбатлашди.

ГУРУНГ


— *Абдувоҳид ака, аввало, ватанга хуш
келибсиз. Суҳбатимизни сиз айни пайтда
истиқомат қилаётган олис Канада ҳақида
бошласак. У ердаги ҳаётингизнинг бошла-
ниши билан боғлиқ воқеалар билан ўр-
тоқлашсангиз, дегандим.*

— Раҳмат, тақдир тақозоси билан Канадага
борганимизга 17 йил бўлибди. Иммиграция
ҳар доим нолдан бошланади. Албатта, бошқа
бир муҳитга мослашиш осон кечмайди, қий-
инчиликлар бўлади. Лекин барибир, ҳар кун
янги бир нарса, янги бир оламни кашф этиш
жуда мароқли.

Канадада икки тил: француз ва инглиз тил-
лари давлат тили ҳисобланади, аксарият
провинциялар инглиз тилида, биз яшаб тур-
ган Квебек эса — тўлиқ француз тилида гап-
лашади. Шу боис биз Квебекдаги марказий
шаҳар — Монреалга келган йилимиз француз
тилини оилавий ўрганиш билан машғул бўл-
дик. Тил ўрганиш жараёнида тирикчилик учун
ҳар хил жойларда ишлашга ҳам тўғри келди.

— *Ўзбекистонда сиз дастлаб яши
шоир сифатида танилган эдингиз. Сун-
ра илмий иш билан ҳам шуғулланингиз.
Хорижда бу фаолиятларингиз давом эттири-
яптисизми?*

— Нима десамкин... Илмий ишимни да-
вом эттириш мақсадида, Канадага келгани-
миздан кейин бир-икки йил ўтиб, Монреалдаги
Квебек университети (UQAM — L'Université du
Québec à Montréal) тарих факультетига ўқишга
топширдим. Филология фанлари номзоди —
PhD дипломи борлиги учун мени магистрату-
рага имтиҳонсиз қабул қилишди. Бир йил ўқи-
дим. Иккинчи йили АҚШ тарихи курсини олдим.
Аммо бу курс бўйича адабиётлар, асосан, ин-
глиз тилида экан. Менинг инглизчама етарли бўл-
магани учун курсни вақтинчалик тўхташига
тўғри келди. Инглиз тили курсларига ёзилиб,
қачон инглиз тилим қониқарли даражага ет-
ганда яна келиб ўқишни давом эттиришимни
маслаҳат беришди. Шундай қилиб, мен инглиз
тили курсларига ёзилиб, инглизчани пухта-
роқ ўргана бошладим. Лекин у пайтда оилани
боқиш, ижара ва тўловлар учун ишлашим ҳам
керак эди. Бу орада турмуш ўртосида тиббиёт
бўйича ўқишни бошлаб юборди. Чунки у ва-
танда Тошкент давлат болалар тиббиёти ин-
ституты магистратура курсини ҳам тамомлаб,
врач бўлиб бироз ишлаган эди. Менда универ-
ситетга қайтиб яна ўқишни давом эттириш им-
кони бўлмади. Шундан буён ўз қизиқишларим
бўйича ишдан кейин мустақил шуғулланиб ке-
ламан. Ўзбекистонда ёқлаган илмий ишим На-
воий “Хамса”си бўйича эди. Мумтоз адабиёт
ҳам аслида тарих, шу боис Монреалдаги Кве-
бек университетига тарихдан олган бир йил-
лик таҳсил менга анча ёрдам берди. Бунинг
маҳсули ўлароқ “Иван Васильевич (чиндан
ҳам) касбини ўзгартиради” мақоласини ёздим.
Бадий ижодга келсак, шеърлар ҳам... Баъзан
ёзиляпти... Яна ижодий ишлардан: француз
шоири Шарл Бодлернинг “Евузлик гуллари” ки-
тобидан бир неча шеърни аслиятдан ўзбек ти-
лига таржима қилиб, уларни шарҳладим. Бу
таржималар Ўзбекистонда “Жаҳон адабиёти”
журналида чоп этилди. Келажақда Бодлернинг
мазкур китобини тўлиқ таржима қилиб, ҳар бир



Шoир, таржимон ва адабиётшунос
Абдувоҳид Ҳайит билан суҳбат

брук университети тиббиёт бўлими талабаси,
булажақ шифокор. Кенжамиз — Тимур эса
мактабда иккинчи синфда ўқияпти. Катта фар-
зандларимиз ўзбек, француз, инглиз ва рус
тилларида бемалол гапиришади, кенжамиз
Канадада туғилган, унинг француз ва инглиз-
часи жуда яхши, ўзбек тилиниям чуқурроқ ўр-
ганишга ҳаракат қилияпти.

— *Туркияга кетган бир ватандош-
миз билан суҳбатлашганимда, юртдан
олисдаги ҳаёти ҳақида Румийнинг “Ташқар-
иси сени ёқади, ичкариси эса мени”, де-
ган гўзал сўзларини келтирган эди. Яъни,
чиroyли фотосельфилар сенга номаълум
бошқа ерларга қизиқши уйғотмиш табиий.
Аммо бу ватандан ташқарида ҳаётнинг
гулган эканини билдирмайди. Сиз мана шу
борада нима дея оласиз? Сизни ҳамон қий-
найдиган гаплар борми ичингизда?*

— Ҳозир глобализм даврида яшайпмиз. Ал-
батта, Ватан муқаддас, Ватан ичидагиларнинг
ватан дарди қанча бўлса, бизда ҳам шунча.
Ватандаги ютуқлардан қувонамиз, ютқиқлар-
дан қайғураемиз. Онани ҳамма жойда ҳам сева-
верасиз, яъни онани севиш учун унинг бағрида
бўлишингиз шарт эмас. Ҳозир “Ўзга юртда шоҳ
бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” қабилидаги
мақолларнинг даври ўтиб кетган. Бу менинг
шахсий фикрларим, албатта.

Чор Россияси зобити ва этнограф В.П.На-
ликин ўзининг “У ерликлар илгари ва ҳозир”
 (“Туземцы раньше и теперь”) асариди: “Кўл-
гина сартлар бир қишлоқда туғилиб, бир умр
ўша қишлоқда яшаб, ҳатто кўшни қишлоқни

ер юзи бўйлаб сочилиб кетган. Улар асло ўз-
ларини “ғурбатдаги ғариб” деб ҳис қилмайди.
Ҳамма нарсага яхши томондан қараш керак.
Хорижда чиқиш кўплар учун янги имкониятлар,
ўз қобилиятларини тўлақонли ифодалаш им-
конини беради. Уларнинг ҳар бири Ўзбекис-
тонни қалбиди, сийратиди ташийди. Уларнинг
ҳар бири ватаннинг хориждаги бир элчисидир.
Уларнинг ҳар бири Ўзбекистонни унлаб, юзлаб
хориқликларга танитади, ватанга келганда
эса нафақат моддийат, балки хорижда кўрган,
ўзлаштирган тажрибаларини бир қатра бўл-
са-да, ватанга олиб келади. Улар қанча кўп
бўлса, шунча яхши. Дунёнинг бошқа бир бур-
чагида тинчгина ишлаб, яшаб турса-да, улар-
нинг ҳар бири, ҳатто ўзлари билмаган ҳолда,
ўз юртининг глобал дунёга қўшилиши, ривож-
ланиши учун хизмат қилади. Чунки улар ва-
танни беғараз севувчилардир.

— *Монреалдаги ватандошлар билан
учрашиб турасизларми? Улар билан бор-
ди-келди муносабатларда нималарга
кўпроқ эътибор берасиз?*

— Монреалда ўзбеклар Канададаги бошқа
бир шаҳар — Торонто ёки АҚШдаги бошқа
эмиз. Лекин жуда яхши жамоамиз бор. Мўст-
тақиллик, Наврўз, Янги йил ва бошқа байрам-
ларда, албатта, йиғилиб тураемиз. Ёз ойларида
табиат кўйида тадбирлар уюштирамиз. Тад-
бирларда фарзандларимизга миллийликни
синдириш учун қадриятларимизга кўпроқ эъ-
тибор қаратаемиз. Анча йиллар олдин юртдош-
ларимиз мени Монреалдаги ўзбеклар жамоа-
сига оқсоқол этиб сайлашган эди. Шундан бери

— Очиғини айтсам, мен хорижда дастлаб
жуда кўп одамларнинг Ўзбекистон деган мам-
лакат борлигини ҳатто билмасликларига гувоҳ
бўлганман. Бу, албатта, ҳукумат билан боғлиқ
гап эмас. Мен, асосан, маҳаллий аҳоли ичи-
даман. Саволингизга жавобни ҳам шундан
келиб чиққан ҳолдагина бера оламан. Таби-
ийки, ким биландир танишганда қаерлик экани
билан қизиқишади, чунки маҳаллийларга
ўхшайман-да. “Ўзбекистонликман” десам,
уларнинг баъзилари: “Қаерда у мамлакат?
Европадами?” “Марказий Осиёда. Илгари со-
ветлар иттифоқи тарихида бўлган...” деб ту-
шунтираман. Шундан кейин Ўзбекистонни ўр-
ганишга киришиб кетишади. Ҳатто интернет-
дан Ўзбекистон ҳақида ўқиб, видеолар кўриб,
менга саволлар беришарди. Спорт орқали Ўз-
бекистонни танийдиганлар бор. Мен уларга
Ватанимнинг яхши жиҳатларини кўрсатишга
ҳаракат қиламан. Самарқанд ва бошқа шаҳар-
ларимиз, Тошкент метроси суратларини кўр-
сатганимда, ҳайратланишади. Ўзбекистонга
саёҳат қилишни истаб ҳам қолишади.

— *Давлатлар ўртасида йиллар, балки
асрлар давомида бунёд бўлган музлар
эриди. Қўшни давлатлар билан чегарала-
римиз очилди. Хорижий мамлакатларга
чиқиш-кириш осонлашди. Сиз нима дей-
сиз, бугунги Ўзбекистон, сизнингча, ке-
чагисидан яна нималари билан фарқ қи-
лади? Келганингизда учун топганингиз ва
нима йўқотганингиз?*

— Дарҳақиқат, жуда кўп ижобий ўзгариш-
лар бўлганини эътироф этиш керак.

ОНА ЮРТИМ ШАМОЛЛАРИ

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг шеърлар тўплами қорақалпоқ тилида нашр этилди

1-6

Шоир Мўноққа, Устюрт кенгликларига кўп ижодий сафарлар қилган. Бу юртдаги ислохотларни кўп бора қаламга олган. Қорақалпоғистонда амалга оширилётган улғувор ишлар ҳақида "Матонат манзили" номли йирик шеър асар битди. Янги Ўзбекистоннинг, Янги Қорақалпоғистоннинг нурли келажagini яратиш учун матонат билан меҳнат қилаётган замондошларимиз образларини маҳорат билан тасвирлайди:

*Мен ҳам бошга қия кўйиб
Қорақалпоқ бўркини,
Кўрсам Устюрт қирларидан
Она юртим кўркини.
Кўз илғамас кенгликларга
тўлган кўнглим етгайдир,
Уфқларга қадар кўнглим
бир ястаниб кетгайдир!*

Устоз Ибройим Юсуповнинг бир вақтлар ўз шоғирди Улмаббет Хўжаназаровга бағишлаб ёзган шеърини устоз Сирожиiddин Саййид теран ҳикматга эга асар сифатида баҳолаб, давраларда айтиб юради.

*Улмаббетжон, айтсам саган,
Дуруст қилдинг қалайди.
Нукусда сўз ҳайдагандан
Бўзатовда мол ҳайда.*

Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистонда Бўзатов тумани ташкил этилди. Ажиниёв бобо таваллуд топган Бўзатов бугун обод манзилга айланган, бу ерда замонавий шаҳар барпо бўлди. Ибройим оғанинг қуруқ сўздан кўра, амалий иш яхши, деган фалсафий фикри ҳамда эзгу ниятлари бугун ижобат бўлмоқда.

Қорақалпоғистонда маънавий соҳаларда ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Адабиёт ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан чоп этилган "Туркий адабиёт дурдоналари" 100 жилдлик китоблар мажмуасининг беш жилди қорақалпоқ адабиётидан иборат. Шу билан биргаликда "Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари" номли ўн олти жилдлик китоблар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрга тайёрланди. Ўзбек адабиётининг энг сара намуналари қорақалпоқ тилига таржима қилинмоқда. Адабиётимизнинг буюк намояндалари Алишер Навоий дostonлари, Заҳриiddин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърлари ва дostonлари, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Али романлари, Исажон Султон ҳикоялари қорақалпоқ тилига таржима қилинган.

Куни кеча Нукусдан яна бир янги китоб келди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг "Ана журтим" ("Она юртим") номли 335 саҳифадан иборат шеърлар тўплами қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, Нукус шаҳридаги "Қарақалпақистан" нашриётида чоп этилган. Шоирнинг уч юз ўттиздан зиёд шеърларини Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгесбой Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Генжамурод, танкичи шоир Жуманиёв Утаниёзов қорақалпоқ тилига таржима қилган.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов китобни нашрга тайёрлаган ва сўз боши ёзган. "Сурхондарё вилоятининг олис Кундажузов овулида туғилган бўйра сочили, кўзлари дунёга ўйчан боққан Сирожиiddин олти бола кичкина вақтидан бошлаб футбол ўйнашга ва эрттақлар билан афсоналарни тингалашга қизиқарди, — деб ёзди Кенгесбой Каримов "Болаликдан бошланган дoston" мақоласида. — Боланинг момоси Ойбидий момодан тортиб, Саййидумар оғаси, Исмоилдин тоғалари халқ дostonлари, эрттақларни унга кўп айтиб беришарди".

Шоирнинг ўз болагиди ҳақидаги мақолалар, шеърларида ушбу воқеалар қизиқарли тасвирланади. Кўз ўнгимизда қишлоқ манзаралари, бўлажак шоир ўқиган мактаб, синфдош дўстлари қиёфалари гавдаланади. Сирожиiddин Саййиднинг тўрт жилдлик "Асарлар" китобининг "Насрий оҳангларида" деб номланган бўлимида бадий насрнинг чинакам намуналарини ўқийсиз. Турфа хил ибратли ҳаётги воқеалар жонли ва таъсирчан тасвирланади. Вақт, замон ва ҳар хил инсонлар образлари маҳорат билан чиқарилади. Ана шу "Насрий оҳангларида" бўлимига киритилган суҳбатлардан бирида "Агарда болалик пайтингиз қайтиб келса, қайси касбни танлаган бўлардингиз?" деган саволга шоир шундай жавоб беради: "Ҳозирги шарт-шароитлар ва имкониятлар билан бўлсайди — шак-шубҳасиз, футболни танлар эдим. Мактабда бў йўнини жуда яхши кўрардим. Футбол тўпи, ям-яшил чимзор, кўкаламзор сайқонлик меннинг жону дилим эди. Мендан зўр футболчи чиқишига ҳам ишонардим. Узун бўйим, узун оёқларим бунга кафилиқ бериб турарди. Радио-телевизионлар эса "Пеле, Пеле" деб ҳайқириб ётарди. Ўша замонларда бизнинг юртдан фақат пахта ва олтин чиқариларди, жаҳон чемпионлари эса негадир Ўзбекистондан чиқмас эди. Ўсмирликимда шу алам билан "Бизлардан бўлмади ҳеч ким чемпион" деб ёзган бир шеърим ҳам бор".

*Бизлардан бўлмади ҳеч ким чемпион,
Спортни тарқ этди болалар кўпи.
Ҳануз мени қийнар у стадион,
Ҳануз мени қийнар у футбол тўпи.*

*Ҳайқирди радио, телевизорлар
Кўқларга кўтариб Пелеларини.
Таъзири беради ота-оналар
Футбол деб юрган болаларини.*

Яхши эспайман, қорақалпоқ шоири, дўстим Бахтиёр Генжамурод билан иккаламиз бирга устозимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповни зиёрат қилгани борганимизда суҳбат жараёнида ижода ҳаммаимизнинг бошимизни силаб улғайтирган меҳрибон устозимиз ўзининг садоқатли шоғирди Сирожиiddин Саййидга бўлган меҳрини изҳор этиб: "Бугун ўзини шоир деб ҳисоблаб, жилд-жилд китоб чиқариб, қоғоз қоралаб юрганларнинг кўпини Сирожиiddин Саййиднинг болаглигида футбол бўлиб, кўни устига оёғидан тушиб қолган тирноғига ҳам олмайман", — деган эди у.

*Гоҳида кўзда ёшу гоҳида хандон бўлди,
Гоҳида болга бўлсак, гоҳида сандон бўлди,*

*Ахийри кулиб толе, соҳиби даврон бўлди,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.
"Адабиёт деган катта кема бор, — деган эди юқоридаги сатрлар муаллифи устоз Абдулла Орипов бир суҳбатларида, — ўша кемага чиқолмай қолганларга раҳим келади".*

Шоир армон билан изҳор қилган дардлар, орзу-умидлар бугун Янги Ўзбекистон фарзандлари тимсолида рўёбга чиқди. Шунинг учун Сирожиiddин Саййид бугун жаҳон чемпиони бўлган ўғил-қизларимизни беармон мадҳ этиб шеърлар битади. Чемпионларимиз шарафига Ўзбекистон байрогининг жаҳон ареналарида ҳилпираб кўқларга кўтарилиши, Она Ватанимизнинг Давлат мадҳияси янграши шоирни, барчамизни ҳаяжонга солади.

Шу ўринда бир тимсолни айтиб ўтмоқ жоиз. Сирожиiddин Саййид футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлмаган бўлса бордир, лекин у адабиёт, шеърят бўйича чемпион бўлганига шак-шубҳа йўқ. 2023 йили шоир халқаро адабий алпоқаларга қўшган ҳиссаси учун туркий тилли давлатлар маданияти — ТуркСОЙ ташкилотининг олтин медали билан мукофотлангани фикримизнинг яққол далили бўла олади.

"XXI асрнинг бошларига келиб Сирожиiddин Саййид мустақил Ўзбекистоннинг забардаст шоирига айланди, — деб ёзди Кенгесбой Каримов. — Унинг шеърларида Ватанга, туғилган ерга, юртдошларга бўлган муҳаббат қудратли товушга айланди.

*Балент-балент товларда
Бидар жатқан қар болмас.
Ширлдаган палалан
Аспансиз шунқар болмас.*

*Боталар изинен
Келмесе ол нар болмас.
Журтинг — сенин савлатинг,
Ўз-ўзинен бар болмас, —*

дейди у "Ана журт" кўшигинда".
Ушбу шеър она тилимизда қуйидагича:

*Баланд-баланд тоғларда
Бекорларга қор бўлмас.
Чирқираган полапон
Бежиз бир кун сор бўлмас.
Бўталар изинен
Келмаса гард — нор бўлмас.
Юртинг — сенин юзиндир,
Юртинча ўзи бор бўлмас.*

Таржимандаги "Бийкар жатқан қар болмас", "Аспансиз шунқар болмас", "Журтинг — сенин савлатинг, Ўз-ўзинен бар болмас" иборалари қорақалпоқ тилида ўзгача жаранглайди (Таржимон Бахтиёр Генжамурод). Ҳаёт тажрибалари, қанчадан-қанча синовлардан ўтган, шоирнинг қувва ҳофизаси орқали мақола, ҳикматли сўзларга айланиб кетган ушбу образли мисралар мазмун жуда теран. Миллат, халқ, она Ватан тақдирини, унинг шонли ўтмиши, бугунги ва келажаги ҳақидаги армонлар, орзу-умидлар тасвирланган шеърнинг сўзлари олимс мунчоқдек тасаввурни қамаштиради, юракка завқу шавқ беради. Неча минг йиллик қадимий оҳанглари янгича жило билан янграган бундай шеърлар туркий тилнинг қорақалпоқ шевасида қулоққа ёқимли эшитилади. Бунинг сабаби шеърнинг асл жозибаси, айниқса, таржимоннинг бадий маҳоратидир.

Қорақалпоқ тилидаги "Ана журтим" деб номланган китобнинг номини ана шу шеърдан олинган.

Китобнинг илк саҳифалари "Ният" номли шеър билан очилади:

*Бийил суюншига талас болажақ,
Меҳр басимизга қўйаш болажақ.*

*Бала тал қарийлар мисали дана,
Қарийа бала киби шок, жас болажақ.*

*Қайтип Мадинадан, Ҳиндистанлардан,
Қалдирғашлар таги сирлас болажақ.*

Албатта, ҳар бир китоб нашрга тайёрловчи томонидан гоёв-ий бадий жиҳатдан маълум мақсадни кўзлаб тузилади, унга тартиб берилади. Бунда ҳам шоирнинг, ҳам китобни нашрга тайёрлаган муҳаррирининг дунёга, одамларга, элу юртга айтмоқчи бўлган сўзлари, фалсафий фикрлари, айни пайтда бадий услуби намойи бўлади. Илк шеър билан ўқувчи диққатини тортиш, уни шеър билан сеҳрлаб, юрагини забт этиш ҳаммаини ҳам қўлдан келавермайди. Машҳур адиблар таъбири билан айтганда, ўқувчи асар муаллифи билан яккама-якка беллашувга чиққан "рақиб" дир. Илк жумла ёки илк шеър билан асар муаллифи енгади ёки енгилмайди. Енгилган ўқувчи фикри-хаёлини китоб саҳифаларига муҳрлаб қўяди, енгилган ёзувчининг китобини ўқувчи ўқимай, отиб юборади. Ёзувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатни Кортасар бокс спорт мусобақасига ўхшатган эди: "Роман ҳар доим оқчолар бўйича галаба қозонади, ҳикоя нокаут билан ютиши зарур". Шеър ҳам шундай бўлиши керак.

Шеър сеҳри, оҳанги ва ҳикмати билан китобхон кўнглига ёруғ ва эзгу туйғуларини бахш этса, бу шоирнинг бахти. Юқорида биз мисол келтирган шеърнинг асли шундай:

*Бу йил севинчларга талов бўлажақ,
Меҳримиз бош узар қувш бўлажақ.*

*Болалар кексалар сингари доно,
Кексалар боладай шўх, ёш бўлажақ.*

*Қайтиб Мадинаю Ҳиндистонлардан,
Қалдирғочлар яна тилдош бўлажақ.*

Таржиманда қилпоқ лаҳжасига ҳам "ж", "к", "с", "ш" товушлари ўзгача оҳанг билан эшитилади. Айниқса, "Бийил суюншига талас болажақ", "Қалдирғашлар таги сирлас болажақ" сатрлари, улардаги "суюншига", "таги" сўзлари фонетик образ яратиши, қадимий туркий тилнинг оҳангбоси билан онгу шуруимизга кучли таъсир қилади.

Шеърлар номини қорақалпоқча талаффуз билан санаймиз: "Жаслик, Баҳар, Муҳаббат", "Тақирар", "Муҳаббат ҳазили", "Савга", "Неъматулла агага", "Нере", "Ай", "Умир", "Гулше" ва

ҳоказо. Ушбу шеърларнинг ҳар бирида шундай фонетик, морфологик янгиликлар, услубий-шақлий ҳодисалар мавжуд.

Китоб мутлоаси давомида ҳар бир таржимоннинг ўзига хос маҳорати, ўзининг услуби, изланиш ва қизиқишлари ёрқин кўринади. Масалан, Кенгесбой оға ўз руҳига мос шеърларни танлаб таржима қилган. Жуманиёв Утаниёзов ўзи ҳарбий соҳадан чиққан ижодкор бўлгани учун кўпроқ ҳарбий-ватанпарварлик, устозларга эҳтиром, эл-юртга муҳаббат мавзусидаги шеърларни танлаган. Бахтиёр Генжамуродни эса, жаҳон шеърятининг янгича шакллари, қуйма метафоралар, шарқона қисқа, лўнда ва теран ҳикматлар, сўз сифатидаги ва матндаги кашфиётлар қизиқтиради. Бахтиёр анча мурақаб шеърларни танлаган ва энг кўп таржима қилган.

"Ана журтим" китобининг бадий композицияси Қорақалпоғистон кенгликлари манзаралари, нефть ва газ конлари, бунёдкорлик ишлари қаламга олинган "Мартлер манзили" ("Матонат манзили") дostonи билан яқинланади. Муаллифининг бу бепоён диёрга, кўнгли кенг, мард ва олижаноб қорақалпоқ халқига бўлган меҳр-муҳаббати изҳори намойи бўлади. Асар дебосчасида шундай сўзлар битилган: "Ташкенттен мингларча чакирим, Нукустан 500 чакиримга чамалас қашқлиқта жайласқан шегара маканда Президентимиз тарепинен қисқа вақит ишинде абаданлаштирилган "Қарақалпақистан" шаҳаршасинде жасап, мийнет этип атирган журтласларимиз ҳам уси жердеги пуқаралар жийини баслиги Қутли Қошимбетовага бағисланган".

*Умир недир — мартликдир ол,
Зор гаиратдур, заманлас,
Жасас недур — гуреслерден
Ибаратдур, заманлас.*

Эсимда, Президентимизнинг Қорақалпоғистонга расмий ташрифларидан бирида олис Қорақалпоғистон кўргони маҳалла раиси Қутли Қўшимбетова сўзга чиқиб: "Мен Ватанимизнинг энг чекка шимолчи чегарасида ҳилпираб турган Ўзбекистон байрогини кўрганимда шундай Ватанда ашбатганимдан ҳаяжонланиб, ниҳоятда гурурланиб кетаман. Шоир бўлганимда эди, жушқин туйғуларимни шеърга солган бўлардим, ёзувчи бўлганимда романлар ёзар эдим..." деб Ватанимизга бўлган муҳаббатини изҳор этди.

Бу гапларни эшитганимиздан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ билан беш юзга яқин бадий китобларни олиб, Қутли опа Қўшимбетова билан юзма-юз суҳбатлашиб, ўша олис манзилдаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун "Қайдасан, Қорақалпоғистон кўргони" деб йўлга тушдик. Нукусда Кенгесбой Каримов йўлбошчилигида "Jeep" русумли машинага ўтириб, йўл юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик. Аввал шаррос ёмғир қўйди, сўнг қорға айланди. Кўнжиротдан кейин бошланган Устюрт кенгликларини кимсасиз. Йўллар лой, балчиқ, ҳайдовчилар "яма" деб атайдиган ўйдим-чуқур кўп. Ёғингарчилик шароитида машина тез юролмади. Шу боис жуда секин юрамиз, бошқа илож йўқ... Нукусдан ўн-ўн бир соатлар йўл юриб, Қутли опанинг хўзурига етдик. Шоирларни, Ташкентдан совға қилиб келтирилган китобларни кўрган қорақалпоғистонликлар қувончини ифодалашга сўз ожиз. Ҳаммининг тилида: "Бизнинг шунча кечкадаги овулимизга Президентимиз шоирларни юборди, бунинг устига яна кўп китоблар жўнатибдилар!" деган гап роса шов-шув бўлди ушунда. Юртдошларимизнинг бундай ҳайрату ҳаяжонларини кўрганимиздан кейин олис йўл азоблари эсимиздан чиқиб кетган. Нукусга қайтганимизча эса анаманан тонг отиб қолган эди. Ана шу ижодий сафардан кейин Сирожиiddин Саййиднинг "Матонат манзили" дostonи дунёга келди. Шеърли сатрлар кенг сахраларга ёққан ёмғир қорлар, осмондан бошга тегай-тегай деб энгашиб турган булутлар юзишдан, қуварб ётган туқоринлар, ҳазорисондан, ёвшанлар ифборидан, нефть-ётақ конлари миноралари, ниҳоятда улкан қурувлар ҳайратларидан баҳра олиб, кимсасиз чўлда тизилиб юрган туғлару бўлақларнинг лўқиллашларидан оҳанг олиб, энг муҳими, бунёдкор замондошларимиз мардликдан руҳ олиб пишди.

*Сўз қарзини жони бирлан
тўлаб борган боболар,
Устоз Иброҳим оға ҳам
Тўлбегерен боболар.
Томиларда қонлар қайнар
Ер остида қонлардай,
Ер остида қонлар қайнар
томиларда қонлардай.
Янги давру замонларининг
дашту кенгликлариди
Қонлар узар қатор кетган
ундов беллилариди —
Пайдо бўлган ҳар минорни
меҳрима қўйсам дейман,
Давру замон даъватидади
шеъримга қўйсам дейман.*

Китобга кирган элликча яқин шеър ва "Матонат манзили" дostonини Кенгесбой Каримов, саксон бешга яқин шеърни Жуманиёв Утаниёзов, тўқсон икки шеър, 67 та фардни Бахтиёр Генжамурод таржима қилган. Унда шоир шеърятдаги барча жанрлар қамраб олинган. Айтиш жоизки, барча шеърлар юксак бадий маҳорат билан қорақалпоқ тилига ўйрилган. Шу фикрга асосланиб, Сирожиiddин Саййиднинг "Ана журтим" шеърлар тўплами нашри ўзбек-қорақалпоқ адабий алпоқалари ривожига муҳим воқеа бўлди, дейиш мумкин. Айни пайтда ўзбек шоирининг бадий маҳорати, изланишлари ва тажрибалари қорақалпоқ шеърятини бойитишга хизмат қилади. Ёш ижодкорларга турли жанр, шакл ва услубларда шеърлар ёзишга, янги бадий тасвир воситаларини ўрганишга маҳорат сабоқлари вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, ўзбек ва қорақалпоқ адабиёти бир-бирини бойитади, бир-бирини тўлдирди.

Фахр ила айтиш жоиз, Президентимиз томонидан бугун бадий адабиёт ривожига катта эътибор қаратилмоқда, ижод аҳли учун зарур барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Агарда ўзбек ва қорақалпоқ адабиётини ёнма-ён юриб бораётган икки улоқчи отга қиёсласак, улар бир мақсад, бир манзил, бир марра — Учинчи Ренессанс сари жуда катта шашту шиддат билан юриб бормоқда, чавандозларнинг қўлидаги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон байроқлари осмон узар юксакларда беармон ҳилпирайверади.

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири.



Сиз қачон театрга боргансиз?

1-6

Чунки Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний каби зиллилар емирилайётган мамлакат ва ўзлигини йўқотаётган халқ онгини ўзгартиришининг ягона ечимини театр дея ўйлашган. Сабаб, у даврларда китоб ёки газета орқали маърифат улашиш анчайин мушкул бўлган. Уларга маънавий таъсир ўтказиш театрлар орқали амалга оширилган.

Уша пайтда катта шов-шувлар билан театр сахнасига кириб келган "Падаркуш" драмасини ҳар бир адабиёт илхосманди билса керак. Маъно-мазмун жиҳатидан шу давр ҳолатини яққол кўрсатиб берган ва халқ шўзи зайлда кетса, яқун драмадаги каби аянчли бўлишига ишора қилган. Аммо бу спектаклнинг сахна юзини кўриши ҳам осонликча бўлмади. Мамлакатдаги аллақачон мияси заҳарланиб улгурган баъзи "зиёлилар" бу спектаклни мамнуният билан кутиб олмади. Саидхўмад Васлий исм-шарифли киши "Садойи Фаргона" газетасининг 1914 йил 83-сонидида чоп этилган "Шариати исломия" сарлавҳали мақоласида "театр ҳаром", деб эълон қилади. "Ойина" журнали эндигина туғилаётган театр санъати нисбатан бундай хато ва зарарли муносабатни мутаассиблик намунаси сифатида баҳолаб, унга кескин зарба беради.

Бехбудийнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек маданиятида янги санъат — театр дунёга келди. Бехбудий ҳамда унинг сафдошлари матбуот орқали ва янги санъатни кенг тарғиб қилишга киришдилар. Бехбудий театрга бағишланган бир қанча мақолалар ёзиб, бу санъатнинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлади:

"Театр нимадур? Жанобига театр ибратнамоидир, театр ваъз-хонадур, театр таъбир адабидир. Театр ойнадурки, умумий ҳолатларини анда муҷассам ва намойи суратда кўзликлар кўруб, кар қулоқликсизлар эшитиб, асарларни. Хулоса: театр ваъз ва танбех этувчи ҳафта зарарли одат, урф-таомилни, қабих ва зарарли аён қўрсатувчидир. Ҳеч кимни рияз қилмасдан тўри сўйлагувчи ва очик ҳақиқатни билдиргувчидир" (*Маҳмудхўжа Бехбудий, "Талланган асарлар".*)

Бу таъриф Бехбудийнинг театр санъатига жуда катта умид ва юксак тасаввур билан муносабатда бўлганидан далолат беради. Ушбу санъат орқали халқ ва жамият ҳаётидаги иллатларга барҳам беришга, улар ҳаётини яхшилаш мумкинлигига ишонч билан қарайди. Уша даврларда "Падаркуш" таъсирида бир неча сахна асарлари яратилди. Драматурглар сафи Насрулла Қудратли, Абдулла Қодирий, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муин, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон сингари забардаст ижодкорларга қўйлади!

Узимнинг ҳам илк бор театрга тушганим кечагидек эсимда. "Ўткан кунлар..." Ҳа-ҳа, ўша машҳур — "Ўткан кунлар". Гавжумгина Ўзбек миллий академик драма театри, Дугоналарим билан ёнма-ён ўриндикларга жойлашдик. Пардалар очилди ва томоша бошланди. Бирпасда ўша муҳит мени тўпалагича қамраб олди. Аввал бошда Ўзбек олимнинг галати-галати ўрнатишларига қулган бўлсам, Қумушнинг заҳарлини жараёни мени қаттиқ қайғуга солди. Қумуш ва Отабекнинг севги мевасининг келажакдаги онасиз ҳаётига ачиндим. Айбисиз-айбдор Зайнабнинг қисмати ҳам раҳим келди. Ишонясизми, асар қаҳрамонлари худди меннинг яқинимдек жоним ачишди. Аслида, бу шунчаки сахналаштирилган асар эди. Лекин мен худди шу воқеалар меннинг атрофимда рўй бераётгандек баъзан қайғурдим, баъзан эса хаёллар оғушига берилдим. Уқишда ҳам бу асарни қаҳрамонларини ўйнаган актёр ва актрисаларнинг ютуқ ва камчиликларини анчайин муҳокама қилдик. Шундан таъсирланган ҳолда меннинг "Зайнабга ҳақ" номли кичик мақола ёзилиди. Биргина театр менга чин маънода олам-олам ангилки берди. Қалбимга нафис санъат шўьларини олиб келди...

Дарҳақиқат, кино ёки концерт томошаларини телевидение ёхуд интернет орқали томоша қилиш, зарур бўлса улардан нусха кўчириб олиш мумкин. Лекин театр шу қадар бетакрор ва ажойиб санъат турларидан саналадики, томошабин роль ижро этаётган актёрларнинг нигоҳи ва нафасини, ҳар бир сўзи-ю хатти-ҳаракатини жонли тарзда кўриб, ҳис қилиб туради. Кўз олдида сахна ва шу ерда актёрлар билан бирга яшайди, йиғлайди, кулади...

Президентимиз юртимизда театр қўламини ошириш мақсадида, давлат идоралари ҳодимлари ва раҳбарларнинг театрларга ташриф буюриши учун ойнаинг бир кунини "Театр куни" деб эълон қилишни беҳиз тақлиф этмадилар. Ходимларнинг театрларга боришини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини айтдилар.

Фақат... ҳар бир театр жамоаси томошабин билан ишлаш тизимини яхши йўлга қўя олиши керак. Театрлардан қўзланган асосий мақсад, яратилаётган спектакль жамоавий бадий ижод маҳсули орқали кишилик жамиятини эзгулик ва яхшиликка эргаштира олиши, инсонларнинг маънавий, маданий ва маърифий тафаккурини юксалтириши зарур.

Театрнинг ривожланиши ва спектаклларни кенг томошабинлар оммасига тақдим этишда муваффақиятли фаолият юриши учун эса биринчи навбатда, томошабини жалб эта оладиган янги спектакллар яратиш зарур. Бундан кейин ҳам халқимизнинг юрагига етиб борадиган, қалбини забт этадиган, эзгу мақсадларга чорлайдиган асарларнинг яратилишини кутиб қоламиз!

Дилдора ДҮСМАТОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси.